Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. ◎ № 86 (7 175) ◎ 1990 йил 16 апрель, душанба Баҳоси 3 тийин

21 апрель—касаба уюшмаси шанбалиги

Меҳнат байрамига

⊙ **ЧИННИ заводида доҳиймиз В. И. Ленин туғилган кунининг 120 йиллиги шарафига ўтказиладиган шанбаликда 3 минг киши қатнашади.** Шундан 1 минг 500 киши иш жойларида меҳнат қилишади. Шу куни 58 минг сўмлик маҳсулот, 120 минг сўмлик халқ истеъмоли буюмлари тайёрланиб, 6 минг 500 сўм бошланғич касаба уюшма ҳисобига ўтказилади.

Шу куни корхона ҳовлисида умумхалқ ҳашари ўтказилиб, кенг кўламда ободонлаштириш ишлари олиб борилади.

Д. ҚАЛАНДАРОВ.

Инсон омилига эътибор

⊙ **ТОШКЕНТ мармар ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш усулида меҳнат қилиб, ишчилар учун қатор ижтимоий қулайликлар яратди.** Бўлимларда дам олиш хоналари жиҳозланиб фойдаланишга топширилди. Шунингдек, корхона ҳовлисида 4 қаватли кўп тармоқли маиший хизмат уйи қурилиши ниҳоясига етказилмоқда. Бу ерда пардозлаш ва жиҳозлаш ишлари амалга оширилмоқда. Қувончли томони шундаки бу ердаги асосий ишни бирлашма жамоасининг ўзи амалга оширмоқда.

Шу куни ишлаб топилган маблағнинг асосий қисми бирлашма касаба уюшмаси ҳисобига ўтказилади.

Д. АЪЛОЕВ.

КПСС Устави лойиҳаси—муҳокамада

ТАКЛИФЛАР ҲИСОБГА ОЛИНСА

⊙ **Шаҳримиз меҳнат коллективларида ҳам КПССнинг янги Устави лойиҳаси кенг муҳокама қилинмоқда. Ишчилар, хизматчилар, қўйингки, кенг жамоатчилик томонидан Уставга янги таклифлар, мулоҳазалар билдирилмоқда. Партия йиғилишларида бу фикр ва мулоҳазалар муҳокама этилиб, жамланаяпти ва юқори партия ташкилотларига жўнатилмоқда. Бу кўпмиллатли халқимизнинг, қолаверса, коммунистларнинг ҳали ҳам Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига бўлган ҳурмати ва ишончи мустаҳкамлигидан далолатдир.**

Тошкент шаҳар қурилиш Бош бошқармасига қарашли инженерлик коммуникацияларини қурувчи ихтисослаштирилган трест жамоаси томонидан ҳам КПСС Устави лойиҳаси қизғин кутиб олинди. Лойиҳа билан танишиш чоғида коммунистлар, ишчи-хизматчилар бу муҳим партиявий ҳужжатга бефарқ қарашмади. КПССнинг оғир шароитда ҳам раҳбарлик ролини сақлаб қолиш, мавқеини мустаҳкамлаш билан боғлиқ масалаларни дадил ўртага ташладилар, таклифлар билдирдилар. Бу ҳақда трест бошланғич партия ташкилоти котиби Ҳусниддин Сайдалиев жамоатчи мухбиримизга шундай ҳикоя қилади:

— БОШЛАНҒИЧ партия ташкилотимиз коммунистлари матбуотда эълон қилинган янги КПСС Устави лойиҳасини алоҳида эътибор билан ўқиб-ўрганиб чиқдилар. Улар ҳозир лойиҳани астойдил маъқуллашмоқда ва қўллаб-қувватлашмоқда. Шу билан биргаликда ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирмоқдалар. Масалан мен лойиҳанинг 3-бобидаги 18-бандда қайд этилган **«Ўз вазифаларини ва фаолияти шароитларини эътиборга олиб, бошланғич партия ташкилотлари партияга қабул қилиш ва КПССга аъзоликни тўхтатиш, ўз тузилишини, иш йўналишлари ва усулларини, йиғилишлар ўтказиш даврийлиги ва тартибини, сиёсий тадбирларни молиявий фаолиятини белгилаш масалаларини мустақил ҳал қиладилар, совет ва жамоат ташкилотлари билан ўзаро муносабатларни йўлга қўядилар»**, деган сўзларига тўла қўшиламан.

Илгарилари трестимиздаги фаол қурувчи ва мутахассисларни, ёш кадрларни партияга қабул қилиш мустақиллигига эга эмас эдик. Шу боисдан КПСС сафига шу номга нолойиқ кишиларнинг кириб қолиши каби салбий ҳолатлар ҳам содир этилганди. Кейин ишчилардан партияга унча қабул қил, хизматчилардан бунча қабул қил тарзидаги кўрсатмалар ҳам тез-тез бериб турилади. Натижада биз КПСС аъзолигига талабгорларни номзодликка планни бажариш учунгина кўрсатишга ўрганиб қолган эдик. Энди янги Устав лойиҳасида бошланғич партия ташкилотига бериладиган мустақилликни аниқ белгилаб қўйиш керак. Токи у бундан буён юқорининг тавсиясисиз ишлайдиган, фаолият кўрсатадиган бўлсин. Агар шу иш амалга оширилса келгусида партиянинг обрўси янада мустаҳкамланади.

Лекин шу бандниг **«Бошланғич партия ташкилотларининг фаолиятини, жумладан маош олиб ишлайдиган ходимларни пул билан таъминлаш учун аъзолик бадалларидан тушган маблағларнинг 50 фоизигача бўлган қисмидан фойдаланиш ҳуқуқи берилади»**, — деган жумлада аниқлик йўқ. Буни **«...аъзолик бадалларидан тушган маблағларнинг 50 фоизидан тўла фойдаланиш ҳуқуқи берилади»**, деб ўзгартириш жоиз. Негаки, 50 фоизгача деганда аниқ бир кўрсаткич кўзда тутилмаган. У уч фоиз, 30 фоиз, 40 фоиз ёки 50 фоиз деб турлича белгиланиши мумкин. Бошланғич партия ташкилотида йиғилган аъзолик бадалининг 50 фоизи унинг ўзи учун сарфланса, ажратилса айни кўпчиликнинг кўнглидаги иш бўлади. КПСС аъзоларини зарурат туғилиб қолган пайтда пул билан таъминлаш имконияти юзага келади. Иш ана шу тарзда кетса улар жамоат топшириқларини бажаришда фаол қатнашадиган бўладилар.

Бошланғич партия ташкилотимиз ҳисобида турадиган коммунистлар ҳам Устав лойиҳасига ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирмоқдалар. Масалан, КПСС аъзоси Роберт Асриев киритган таклиф айниқса кўпчилик учун фойдали. Уставда партияга қабул қилишда номзодлик штати ҳақида ҳеч нарса дейилмаган, дейди у. Бундан чиқди партияга қабул қилишда номзодлик стажини ҳеч ким ўтамас эканда. Бу шубҳасиз партияга тасодифий кишиларнинг кириб қолишига йўл очиб бермасмикан, Роберт Асриев Уставнинг биринчи бобидаги биринчи бандига қўшимча қилиб **«КПСС аъзолигига қабул қилинаётган кишн бошланғич партия ташкилоти томонидан икки йил номзодлик стажини ўтайди»**, деган қўшимчани киритишни таклиф этди.

Шунингдек, трестимиз коммунистларидан Юсуф Рустамов ҳам ўзининг бир неча таклифларини биз билан ўртоқлашди. У Уставнинг охирги бобидаги «Партия аъзолари учун ҳар ойда тўланадиган аъзолик бадаллари қуйидаги миқдорда белгиланади» деган сўзларга **«...ҳар ойда тўланадиган аъзолик бадаллари даромади қанча бўлишидан қатъи назар бир фоиз миқдорида белгиланади»**, деб ўзгартириш киритишни таклиф қилди. Шу бобдаги «Ишлаётган коммунист пенсионерлар партия аъзолик бадалларини пенсиядан ва иш ҳақидан алоҳида-алоҳида тўлайдилар», деган жумлаларни **«пенсионерлар умуман аъзолик бадалларини тўлашдан озод этиладилар»** деб ўзгартириш киритиш айни мақсадга мувофиқ иш бўларди.

Суҳбатдош Ю. ҒИЁСОВ.



⊙ КАСБИ — МАШИНАСОЗ. Тошкент қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ишлаб чиқариш бирлашмаси алюминий цехининг илғор ишчиси Мавлуда Азизова. Т. Каримов сурати.

Тонгги газеталарда

⊙ **14 апрель куни Кремлда СССР Президенти М. С. Горбачев раислигида СССР Федерация Кенгаши ва Президентлик Кенгашининг қўшма мажлиси бўлди.**

СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, СССР Давлат план комитетининг раиси Ю. Д. Маслюковнинг «СССРда бошқариладиган бозор иқтисодиётига ўтиш тўғрисида»ги доклади тингланди. Доклад юзасидан фикр алмашув бўлди.

Муҳокамани шу ҳафтада давом эттиришга қарор қилинди.

Бугун газеталарда ана шу қўшма мажлис ҳақида, 13 апрель куни Кремлда СССР Президенти М. С. Горбачев билан Польша Республикасининг Президенти В. Ярузельский ўртасида бўлиб ўтган музокаралар ҳақида расмий хабарлар эълон қилинган.

⊙ **«Қайта қуриш принциплари асосида жипслашиш учун» — «Правда» рўзномасининг бугунги бош мақоласи ана шундай номланади.**

МУРАББИЙ МАҲОРАТИ

⊙ **Болалар уйлари ва мактаб-интернатлар том маънодаги тарбия масканлари сифатида жўшқин фаолият кўрсатмоқда.** Бу даргоҳларда ёшларга таълим ва тарбия бераётган мураббийлар маҳоратини ошириш йўлида кўрилаётган тадбирлар бу эзгу мақсадни муваффақиятли рўёбга чиқаришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Островский номидаги шаҳар пионер ва ўқувчилар саройи методистлари билан ўтказилган амалий семинар ҳам кўпчилик тарбиячиларда қизиқиш уйғотди. Йиғилишда болалар муассасаларида пионер ташкилотлари фаолиятини яхшилашга қаратилган қимматли фикрлар билдирилди. Орттирилган илғор педагогик тажрибалардан тавсиялар ишлаб чиқилиб, уларни болалар уйлари ва мактаб-интернатларга тарқатишга қарор қилинди.

Шаҳар пионер ва ўқувчилар саройи Тошкентдаги умумий таълим мактабидан ташқари барча тарбия масканлари учун асосий методик марказ деб топилди.

С. ОДИЛОВА.

ҲАЁТ ТАҚОЗОСИ БИЛАН

⊙ **ТАШҚИ иқтисодий алоқалар тобора ривожланиб бораётган ҳозирги бир даврда шу соҳа мутахассисларига бўлган эҳтиёж ортмоқда.** Бу эса иқтисодиётнинг бу муҳим тармоғи билан бевосита шуғулланадиган кадрларни кўплаб тайёрлашни қатишга қарор қилинди.

Жумҳуриятимизда ҳам ташқи иқтисодий масалалар бўйича бевосита фаолият кўрсатадиган мутахассислар сафини кенгайтириш тадбирлари кўрилмоқда. Тошкент халқ хўжалиги институти бу борада асосий етакчи роль ўйнайди. Олий ўқув юртида «Халқаро иқтисодий муносабатлар» ихтисослигини ўқитиш йўлга қўйилганлиги айни муддао бўлди.

Шу йилдан бошлаб институтда яна бир янги мутахассислик бўйича кадрлар тайёрлашга киришилди. «Валюта-кредит муносабати» деб номланган бу ихтисослиқдан етакчи мутахассис олимлар машғулотлар олиб борадилар.

Шунингдек, «Маркетинг» ихтисослигини ўқитиш режалаштириб қўйилди. Бу ҳар иккала мутахассислик бўйича абитуриентлар танлашда уларнинг иқтидорлиги ва пухта билими ҳисобга олинади.

С. ОБИДОВА.

Шу куннинг мавзуида

АРМИЯ ХИЗМАТИГА ЧАҚИРИҚҚА ҲОЗИРЛИК

⊙ **АРМИЯ сафига чақирилувчиларни саралаш жойи одатда май ва ноябрь ойларида гавжум бўладн. Айни пайтда эса ремонт ишлари олиб борилиб, ёзги чақириққа ҳозирлик кўрилаяпти.**

— МЕН жамоага ўтган йилдан бери раҳбарлик қилаяпман, — деди область саралаш пунктининг бошлиғи Ориф Тўлаганов. — Биномиз эски, 1934 йилдан бери таъмирланмас экан. Кузги чақириқ пайтида кўп хоналардан чакка ўтиб, деворлар ташлаб юборди. Шу боис бу йилги тайёргарликни таъмирлашдан бошладик. Томнинг усти батамом созланиб, 2,5 тонна тунука ва 2 минг дона шифер билан ёпиб чиқилди. Йўлак ва хоналарнинг поллари ямалиб, деворлари бўяб чиқиляпти. Бу ишларга 30 минг сўмдан ортиқ маблағ сарфладик.

Таъмирлаш 20 апрелгача тугалланади. Шундан сўнг саралаш пунктига армия сафига чақирилувчилар кела бошлайдилар. Уларни кутиб олиш учун ётоқхоналар, ташвиқот хонаси, шийпонлар, саф тортиш майдонлари тахт қилиб қўйилди.

Булар яхши, албатта. Аммо ўғилларини кузатиб келган ота-оналарга етарли шароит яратиб берилмаётгани аччиқлидир. Тўғри, чақириқ бошланганда ташқарига 50—60 та ўриндиқ қўйиб берилади. Аммо кўпчилик қаерда ўтириб, дам олишни билмайди. Уларга маданий хизмат кўрсатиш ва озиқ-овқатлар билан таъминлаш ҳам ёмон аҳволда.

Ориф Сиддиқовичнинг таъкидлашича, бошқа муаммолар ҳам бор. Ҳадемай саралаш пункти яқинидаги «Оборонная» кўчаси шахсий машиналар билан тирбанд бўлиб, одамларнинг ўтиши қийинлашади. Яқин атрофда эса 0,5 гектарга яқин қаровсиз ер бор. Шу жойни текислаб, автомашиналарга жой қилиб берилса соз бўларди. Бундан ташқари шу ерда яшовчи 3-4 оиланинг тинчлиги йўқолади. Кундузи кузатувчилар чой сўраб безовта қилишса, тунда саралаш пунктидаги кучли ёритқичлар уйқу бермайди. Бу хонадонларни бошқа жойга кўчириш масаласи аллақачон етилган.

Ўйлаймизки, Ленин район Совети ижроия комитетидаги мутасадди ўртоқлар юқорида тилга олинган танқидий фикрлардан тегишли хулоса чиқариб оладилар.

Ш. САЪДИЕВ.



⊙ БОЛАЛАР УЧУН ПОЙАБЗАЛЛАР. Тошкентдаги 1-пойабзал фабрикаси 2-филиалининг моҳир сайқал берувчиси Шуҳрат Усмонов. Ҳ. Шодиев сурати.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

ЯНГИ ДАСТГОҲЛАР

⊙ **ЎЗБЕКИСТОН ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг 1-филиали** чеварлари янги дастгоҳларда ишлай бошлади. Филиал бўлимларида замонавий тикув дастгоҳлари ўрнатилиб сифатли либослар кўлами кўпайди. Меҳнат унумдорлиги 1,6 фоизга ошди. Жамоа меҳнат байрами куни кўрсаткични 1,5 фоизга ошириб график асосида ишлашга аҳд қилди.

Д. МУРОДОВ.

ОИЛА ҚУВОНЧИ

⊙ **БУГУН Куйбишев шоссесининг Ҳалқа йўл муюлишида муҳташам бино қад ростлади.** Бу 9 қаватли 72 хонадон учун мўлжалланган турар жой биноси бўлиб, айни кунларда унда пардозлаш ишлари ниҳоясига етказилмоқда. Атрофида ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда.

Ҳажмли блокли уйсозлик бирлашмасининг 3-қурилиш бошқармаси жамоаси қурган мазкур турар жой биноси дохиймиз В. И. Ленин туғилган кунда фойдаланишга топширилади.

Д. ОБЛАЕВ.

ВАЪДАГА ВАФО

⊙ **ЭКСПЕРИМЕНТАЛ-фурнитура пластмасса буюмлари заводининг жамоаси жадаллаштириш йўлидан бориб,** жумҳурият енгил саноат корхоналарига етказиб берилаётган янги техникани тобора кўпайтирмоқда. Пешқадам жамоаларнинг самарали меҳнати туфайли Самарқанд устки трикотаж фабрикаси, «Малика» трикотаж бирлашмаси, Нукус трикотаж фабрикаси ва Жиззах пайпоқ фабрикаларига зарур конструкция, ускуна ва мосламалар етказиб берилди.

БУГУН завод аҳли юқорида қайд этилган корхоналарга яна шундай мосламалардан элликтасини юборишди.

Д. АЗИМОВ.

ЭҲТИЁЖНИ КЎЗЛАБ

⊙ **ЎЗБЕКИСТОН қишлоқ хўжалиқ машинасозлиги ишлаб чиқариш бирлашмасида пахтакорларга машиналар, эҳтиёт қисмлар етказиб бериш билан бирга кенг истеъмол буюмлари тайёрлашга ҳам алоҳида аҳамият берилмоқда.**

Корхона ишчилари, рўзғорда қўлланиладиган пластмасса челак, болалар ваннаси, турли хил ўйинчоқлар ва ванна жиҳозлари каби ўндан ортиқ маҳсулот турларини тайёрлашяпти. Ўн иккинчи беш йилликнинг сўнгги йилини кўтаринки руҳда бошлаган бирлашма жамоаси биринчи квартал топшириқларини муддатидан олдин бажариб, белгиланганидан бир неча ўн минг сўмлик кўп кенг истеъмол буюмлари тайёрлашга эришди.

БУГУН корхона жамоаси савдо шохобчаларига 16,7 минг сўмлик халқ истеъмоли буюмлари юборди.

О. АЪЗАМОВ.

КЕНЖА РАЙОНДА — ШИФОХОНА

⊙ **БУГУН пойтахтимизнинг кенжа Бектемир районида 150 ўринли шифохона қурилиши бошланди.** Шунингдек, бу ерда туғруқхона, хотин-қизлар консультацияси бўлимлари ҳам бунёд этилади.

Бунёдкорлик ишларини 2-уйсозлик комбинати бинокорлари олиб боришмоқда.

О. МУРОДОВ.

ФАХРИЙ ФУҚАРО

⊙ **ИККИ МАРТА** Совет Иттифоқи Қаҳрамони, космонавт-учувчи В. Жонибеков Космонавтика кунида пойтахтимизнинг кенжа Бектемир райони Фахрий фуқароси бўлди.

О. АЛИМОВ.

ТАБИАТШУНОСЛАР ДАВРАСИ

⊙ **ЯҚИНДА пойтахтдаги 118-мактабда шаҳар кимё-биология ўқитувчиларининг илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди.** Бу анжуманни ўтказишдан мақсад кимё ва биология фанларининг ўқитилишини юқори савияга кўтаришдан иборат эди.

Мактаб ўқитувчилари — М. Мирзаев ва М. Маҳкамовлар табиатшуносларнинг вазифалари ҳақида маъруза қилишди.

Д. АБДУЛЛАЕВ.

ҚАНДОЛАТ ДЎКОНИ

⊙ **СЎНГГИ йилларда шаҳримиздаги бекатлар кўркамлашиб, чирой очиб бормоқда.** Айниқса, аҳолига қулайлик туғдирувчи бу ерларда турли-туман савдо шохобчаларининг қисқа муддат ичида битказилиб ишга туширилиши ҳамшаҳарларимизга йўл-йўлакай рўзғорда керакли нарсаларни харид қилиш имкониятини ҳам яратмоқда.

БУГУН Абдураҳмонов ва Бобожонов кўчалари муюлишида ана шундай янги қандолат маҳсулотлари билан савдо қилувчи дўкон очилди. Ойнавандли бежиримгина ишланган бу савдо шохобчасидан 20 га яқин қандолат маҳсулотларини харид қилиш мумкин.

Д. ОТАЕВ.

ЖИНОЯТЧИЛАР Симда 02 УШЛАНДИ

⊙ **ЎТГАН ҳафтада Тошкент шаҳрида 380 та жиноят қайд қилинди.** Ушбу жиноятнинг 212 таси бошқарма хизматчилари томонидан фош этилди.

⊙ ШАҲАР ички ишлар бошқармасига қурилиш бошқармаси ходими С. унга нотаниш бўлган кишилар қўрқитиш ва куч ишлатишни айтиб 60 минг сўмни талаб қилаётганликлари ҳақида хабар берди. Махсус жиноят қидирув гуруҳининг пухта кўрган тадбирлари натижасида ўзларини рэкетчилар деб юрган 4 кимса қўлга олинди. Дастлабки тергов маълумотига кўра, уларнинг бири Сухуми шаҳридан, иккинчиси Кишинёв шаҳридан келган ва қолган иккитаси 1962 йилда туғилган, аввал судланган ака-ука Д. ва С.лар экан.

⊙ ТУНГИ соат 2 да Киров районининг Юнусобод даҳасидан номаълум кишилар томонидан ВАЗ—21011 маркадаги 01-26 ТНУ «Жигули» автомобили олиб қочилганлиги ҳақида бошқарма хабар қилинди. Давлат автомобиль инспекцияси ходимлари Орипов ва Қурбоновларнинг тинмай изланишлари натижасида автомобиль ва уни олиб қочган, 1972 йилда туғилган, Собир Раҳимов район савдо идорасига қарашли 7-магазин сотувчиси Б. Маҳмудов қўлга олинди.

⊙ ОЛОЙ бозорида Львов шаҳри аэропорти хизматчиси Б. Кулинч ва унинг ҳамтовоғи — 1958 йилда туғилган львовлик И. Каретал чет элдан келтирилган лаб бўёқлари, биллур идиш ва резина сақичларни чайқов нархида пуллаётганларида БХСС ходимлари Каримов ва Холиқовлар томонидан ушланди.

И. РАҲИМОВ.

Тошкент шаҳар ички ишлар бошқармасининг матбуот гуруҳи ходими.

Об-ҳаво ва саломатлик

16 апрелдан 22 апрелгача

Ўзбекистон ССР об-ҳавони кузатиш марказининг маълумотларига кўра, шу ҳафтанинг биринчи ярмида об-ҳавонинг ўзгариб туриши, вақти-вақти билан жала ёғиши, момақалдироқ бўлиши кутилади. Момақалдироқ бўлганда шамолнинг тезлиги секундига 15—20 метргача кучайиши мумкин. Ҳаво ҳарорати кечаси 8—13, кундузи 17—22 даража атрофида бўлади.

Ҳафтанинг иккинчи ярмида айтарлик ёғингарчилик бўлмайди, кечаси 10—15, кундузи 21—26 даража иссиқ бўлади. Ҳафтанинг ўртача ҳарорати кўп йиллик нормага яқин бўлиши кутилади.

Н. А. Семашко номидаги сиҳат-саломатликни тиклаш ва физиотерапия илмий-тадқиқот институти тиббий об-ҳаво маълумотлари ва об-ҳаво таъсирининг олдини олиш маркази мутахассисларининг фикрига қараганда, ҳафтанинг биринчи ярмида кутилаётган об-ҳавонинг айниши, ёғингарчилик об-ҳаво ўзгаришларга таъсирчан беморларга ноҳуш иқлимга хос реакция бериши мумкин.

Шифокорлар аввалги ҳафтадагидек, юракнинг ишемик хасталиги, бош мия қон томирларининг хасталиги бўлган беморларга алоҳида эътибор беришлари керак. Асаб системаси хасталиги, ўпка ва бўғинлар, айниқса ревматоидли полиартрит хасталиги бўлган беморларнинг аҳволи оғирлашиши, оғриқ кучайиши мумкин эканлигини ҳисобга олиш лозим.

Ноҳуш кунларда юрак-қон томир хасталиги, айниқса қон босими, вегетатив қон томирлар дистонияси бўлган беморлар профилактика мақсадида қон босимини вақти-вақти билан ўлчаб туришлари, зарур ҳолларда даволовчи врач тавсияси билан артериялардаги қон босимини пасайтирувчи дори-дармонларни қабул қилишлари керак. Таянч-ҳаракат аппарати хасталиклари бўлган беморлар оғриқни қолдирувчи препаратларни қабул қилишлари лозим.

В. И. Ленин туғилган куннинг 120 йиллиги олдидан

ҲАР ҚАЧОНГИДАН ҲАМ АЗИЗ



22 АПРЕЛЬ куни совет кишилари ва жаҳондаги прогрессив инсоният доҳиймиз В. И. Ленин таваллудининг 120 йиллигини нишонлайди. Дарҳақиқат, В. И. Лениннинг номи миллион-миллион кишилар учун бениҳоя қадрлидир. Бутун дунё меҳнаткашларига эксплуатациядан озод бўлишнинг тўғри йўлини, эркинлик ва бахт-саодат сари олиб борадиган йўлни кўрсатиб берган буюк инсонга ўз иззат-ҳурматларини изҳор қилар эканлар, улар жаҳон пролетариати доҳийсининг сиймосини қалбларда авайлаб сақлайдилар.

Коммунистик партиямиз 1985 йилдан мамлакатимизда қайта қуришни бошлаб берган экан, бу инқилобий жараённи В. И. Ленин таълимотига асосан амалга оширмоқда. Инқилобий янгиланиш йўлидаги ҳар бир қадам бизни Ленинга яна ва яна мурожаат қилишга, партиянинг ҳозирги йўлининг Ленин ғоялари, тасаввурлари ва методологияси билан боғлиқлигини мунтазам идрок этишга ундамоқда. В. И. Лениннинг назарий ва сиёсий меросига қизиқиш кучаяётганлигининг, унинг теварагидаги баҳслар қизғин тус олаётганлигининг сабаби ҳам ана шундадир. Бинобарин Ленин таълимотини, Коммунистик партиямиз олиб бораётган сиёсатни халқимизга қанчалик кўп тўғри тушунтирсак, қайта қуришни шунчалик жадаллаштирган бўламиз. Бу борада В. И. Ленин Марказий музейи Тошкент филиалининг лекторлари ва илмий ходимларининг ҳиссаси беқиёс бўляпти.

1970 йил апрель ойида В. И. Ленин таваллудининг 100 йиллигига Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг қарорига биноан Тошкентда В. И. Ленин Марказий музейининг филиали очилганига шу кунларда 20 йил бўляпти.

Шу йиллар мобайнида музейга 10 миллионга яқин зиёратчилар келишди. Музей ходимлари марксизм-ленинизм таълимотини, Коммунистик партиямиз олиб бораётган сиёсатни жумҳуриятимиз меҳнаткашларига, чет элдан келган меҳмонларга тарғиб қилмоқдалар. В. И. Ленин музейининг ўзига хос яна бир хусусияти шундаки, бу ерда Лениннинг Ўрта Осиё халқлари тарихий тақдирига зўр қизиқиш билан қараганини, доҳийнинг совет Шарқи республикаларини сиёсий, иқтисодий ва маданий жиҳатдан ривожлантириш тўғрисида ғоят катта ғамхўрлигини акс эттирувчи ҳужжатлар асосида тарғибот қилмоқдамиз.

Чиндан ҳам В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкентдаги филиали энг кучли тарғибот марказидир. Доҳий В. И. Ленин таваллудининг 120 йиллигига музей ходимлари катта тушунтириш ишларини олиб бормоқдалар. Илмий ходимларимиз бир неча кўргазмалар очдилар ва янгиларини тайёрламоқдалар. «Туркистон меҳнаткашларининг В. И. Ленинга хатлари», «В. И. Лениннинг Туркистонга хатлари, телеграммалари», «В. И. Ленин Декретлари асосида», «В. И. Ленин Швейцарияда», «А. И. Ульянова ва Д. И. Ульянов», ўзбек халқининг фарзанди Усмон Юсупов таваллудининг 90 йиллигига «Усмон Юсупов» кўргазмалари шулар жумласидандир.

В. И. Ленин музейининг ёшларни коммунистик руҳда тарбиялашдаги аҳамияти бениҳоядир. Ҳар йили музейга минглаб ўқувчилар, талабалар келишиб, доҳий В. И. Лениннинг ҳаёти ва инқилобий фаолияти ҳақида, Лениннинг ёшларга берган маслаҳатлари тўғрисида, Коммунистик партиямиз олиб бораётган сиёсат ҳақида суҳбатлар, лекциялар эшитадилар. Тошкентдаги 114, 184, 231, 260-мактаблар, шаҳримиздаги Н. К. Крупская номидаги педагогика билим юрти, Охунбобоев номидаги медицина техникуми, Тошкент Давлат университети, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти талабалари ҳар йили музейга келишиб В. И. Ленин таълимоти ҳақида тематик, проблематик лекциялар эшитишмоқда. Бинобарин ҳозирги қайта қуриш даврида Ленин бизга ҳар қачонгидан ҳам азиз бўлиб қолди. Биз унинг ғояларига қайта-қайта мурожаат қилмоқдамиз. Бу — тушунарли, албатта. Чунки ҳозирги пайтда ҳам, келажакда ҳам В. И. Ленин таълимоти совет халқлари ва жаҳондаги тараққийпарвар инсоният учун буюк таълимот бўлиб қолаверади.

Алихон МИРЗАХОНОВ,
В. И. Ленин Марказий музейи Тошкент филиали лекторлар гуруҳининг раҳбари.

⊙ **СУРАТДА: мўътабар даргоҳда.**

ФАОЛЛИК ОШИРИЛСИН

Бирлашма коммунистларининг ҳисобот сайлов анжумани бошланишидан аввал биз қўлига сайлов мандати билан йиғилишда кўтариладиган масалалар матни битилган қоғозларни кўтариб олган бир отахонни саволга тутдик:

— Йиғилишдан нималарни кутяпсиз, сўзга чиқиш ниятингиз борми?

— Жамил Аҳмедовман, — дея таништирди у киши ўзини. — Коммунистларимиздан фаолликни, жонкуярликни кутяпман. Сўз олиш насиб этса уларга шуни уқтириб, партиянинг обрўсини тўкишга ҳаракат қилаётганларга нисбатан муросасиз бўлишларини таъкидлардим. Бунга сира йўл қўйиб бўлмайди.

Тошкент қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводида тўрт йил ишлаб 1939 йили армияга кетдим. 1941 йилнинг кузида партия сафига кирдим. Жон олиб, жон берган коммунистларни, қон теккан партбилетни авайлаб умрининг сўнгги дақиқаларида ҳам уни маҳкам ушлаб кўз юмганларнинг шоҳиди бўлганмиз. Энди бўлса сафимизга адашиб кириб, партия билетини ёқишгача журъат этишибди. Баъзилар қачонлардир партия номидан иш кўриб, фойдани кўзлаб келдилар. Қайта қуриш қаттиқ қисувга олгач, ундан чиқиб кетиш йўлини ахтара бошладилар...

Кекса коммунист Жалил Аҳмедовнинг фикрлари теран, яна унда қандайдир куюнчаклик мазмуни акс этган. Тинглаб туриб қани энди бугунги 240 нафар коммунист йиғилишида бундан ҳам теранроқ фикр-таклифлар эшитсак деб ўйладик.

Ўтган давр ичида Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида нима ишлар амалга оширилди, кўндаланг турган муаммоларнинг қайси бири бажарилдию, қолганларига нима тўсиқ бўлаяпти? Бирлашма партия комитетининг котиби Т. С. Собитов ўз маърузасида бунинг ҳар бири устида тўхталиб ўтди.

— Бизнинг жамоада ҳам муаммолар кўп, — дейди биринчи бўлиб сўз олган 3-цех партия ташкилотининг котибаси В. Авазова. — Масалан, цехимиз раҳбарларининг тез-тез алмашиб туришини олинг. Менинг 16 йиллик иш фаолиятимда 10 та раҳбар алмашибди. Бу ахир қандай қилиб ишимизга таъсир қилмасин?! Биргина ҳозирги аҳволимизга қаранг. Қўнимсизлик 28 фоиз бўлса, 26 нафар ишчимиз декрет отпускасида, 16 таси эса бўшаш арафасида. Нега дерсиз. Чунки маошимиз жуда кам. 50 фоиз мукофотни ҳамма кўрсаткичлар бўйича планни бажарганимиздагина берилади. Бундай қувват билан ҳеч қандай план ўз-ўзидан бажарилмайди. Пулсиз, иш шароитисиз ишчини қандай қилиб олиб қолиб бўлади. Табиийки кооперативга қараб югуришади.

Сўнгра сўзни бош инженер ўринбосари Г. А. Липодат олиб фабрика халқ назоратининг раиси сифатида бу соҳанинг муаммоларига кенг тўхталди. Бирлашмада 4 ой олдин тузилган халқ назорати, комсомол прожектори ва доимий комиссияларни бирлаштирган ягона назорат ҳеч қандай натижа бермаётганини афсус билан таъкидлади.

— Жамоамизнинг оғир нуқтаси бўлган кўрсаткичлар бўйича бизда ҳам планимиз паст бўлди, — дейди иккинчи цех партия ташкилотининг котибаси А. Д. Кирштейн. — Юқори малакали мутахассислар у ёқда турсин, ҳатто ишчи кучи етишмайди. Меҳнат интизоми ҳам паст даражада. Цехимизда ҳаммаси бўлиб 70 киши меҳнат қилади. Барча цехларда бўлгани каби бизда ҳам қўнимсизлик ўсиб боряпти. Аёлларимизнинг эса ташвишлари ўринли. Икки сменада ишлаш кўпчилигига оғир бўлаётганлигини тушуниб турибмиз...

Партия йиғилишида сўзга чиққанларнинг ҳаммаси коммунистларнинг ишлаб чиқаришдаги роли, уларнинг бошқаларга намуна кўрсатиб ишлашлари нечоғлик муҳим эканлигини таъкидлашди. Эришилган ютуқлар кам эмас. Бироқ ечимталаб муаммолар ҳам талайгина. Уларни бартараф этишга авваламбор коммунистлар бош-қош бўлишлари керак.

Йиғилишда жон куйдириб гапирган коммунистлардан бири, бичув цехи вакили М. Хўрозова бўлди. Унинг сўзларига қараганда ишлаб чиқариш муаммолари бугунги кун тартибидан сира пастга тушмаяпти. Меҳнат шароитларининг пастлиги, тикув ускуналарининг эскирганлиги ишни орқага тортяпти. Маҳсулот топшириш планларини йилдан-йилга ошириб боряпти. Лекин шароитлар ўша-ўша. Ваҳоланки, ўша оширилаётган режаларнинг бажарилиши авваламбор меҳнат шарт-шароитларига, қолаверса интизомга боғлиқ.

Бирлашма касаба уюшмалари қўмитасининг раиси Қ. Қ. Маҳмудованинг нутқида уй-жой муаммоси, аҳолининг ижтимоий талабларини қондириш ва меҳнат шароитларини яхшилаш фикрлари илгари сурилди.

Еттинчи цех жамоаси корхонанинг пешқадам меҳнат аҳли ҳисобланади. Унга етакчилик қилаётган ўз касбининг моҳири Л. М. Пановани бу ердагилар астойдил ҳурмат қилишади. Коммунист

Партия турмуши: ҳисобот ва сайловлар

раҳбарлар одамлар билан ишлашда бу аёлдан ўргансалар арзийди. У инсонлар қалбига чинакамига йўл топа оладиган раҳбарлардан. Шунинг учун у йиғилишда ўз эътиборини кўпроқ инсон омили масалаларига қаратди.

— Мафкуравий иш партиянинг энг муҳим иши. Лекин шу ишни виждонан бажараяпмиз деб айта оламизми, — дейди Л. М. Панова. — Узоққа бормайлик, бугун бирлашмамизнинг ўнлаб коммунистлари пенсияда. Бироқ улар корхона остонасидан чиқиб кетишлари билан уларга бўлган эътибор ҳам йўқолаётгандек туюлади. 20—30 йиллаб ишлаган коммунистларнинг кейинги ҳаёти билан кўпинча қизиқмаймиз. Ваҳоланки байрамларда, оддий кунларда уларни бир марта бўлса ҳам йўқлаб турсак бўлади-ку. Лекин биз фақатгина план, ишлаб чиқариш масалалари билан банд бўламиз.

Яна бир масала—бу цехларнинг ҳавосини тозалаш муаммоси. Бугун меҳнат шароитлари ҳақида кўп гапирамиз. Лекин бўлинмаларга кириб кўринг-а, чанг, газламадан чиқаётган қийқим иплар ҳаммаёқни қоплаб олгандек. Ҳар сафар коммунистик шанбаликларда кўчаларни, очиқ майдонларни тартибга келтирамиз. Менимча бу йилги касаба уюшмаси шанбалигида ишни бошқачароқ ташкил этиб, одамларнинг бир гуруҳини ана шу цехларни тозалашга сафарбар этиш лозим.

Йиғилишда сўзга чиққан М. Юнусов, М. Ўрмонова, А. Гончаровалар ҳамма ишдаги ютуқ ва камчиликлар, коммунистларнинг фаолияти хусусида тўхталиб ўтдилар.

КПСС Устави ҳамда партия XXVIII съездига ҳаракат дастури лойиҳаси бўйича ишлаб чиқариш бирлашмасининг таклифлари ҳам қизғин муҳокама қилинди. Конференция қарорида корхона партия қўмитасининг ҳисобот давридаги фаолияти қониқарли деб баҳоланиб, КПСС Марказий Комитети февраль ва март Пленумлари (1990 йил) қарорларини амалга оширишни коммунистлар олдига муҳим вазифа қилиб қўйди. Шунингдек, КПСС XVIII съездига тайёргарлик кўриш даврида коммунистларнинг ғоявий ва ташкилий ҳамжиҳатлигини ошириш, ҳар бир бошланғич партия ташкилотининг ишини фаоллаштириш, меҳнат жамоалари олдида турган вазифаларни бажариш, улар фаолиятини оширишга эътибор бериш зарурлиги алоҳида қайд қилинди.

Йиғилишнинг сўнгги сайлов қисмида коммунистлар 15 нафар ҳамкасбларини партия қўмитасига аъзо қилиб сайладилар. Яширин овоз бериш йўли билан Т. С. Собитов яна қайта бирлашма партия комитетига котиб этиб сайланди.

В. МАДИМАРОВА,
Ф. ҲУСАНОВА.

Ҳеч кимга ён босилмади

— ИЛГАРИЛАРИ бошланғич партия ташкилоти ҳисобот-сайлов йиғилишлари менинг назаримда номигагина ўтказиларди. Партия йиғилишларида кўпроқ партия бюроси котибининг маърузаси тингланарди. У ҳам бўлса фақат мақтовлардан иборат бўларди. Музокаралар чоғида чиқувчиларнинг бири бошланғич партия ташкилоти бюроси аъзоларининг камчиликларидан гап очгудек бўлса ўтирганлар танқидни тезда бўғишга ҳаракат қилишарди. Партия бюроси аъзоларининг ҳисобот-сайлов даврида қандай ишлашларидан қатъий-назар, уларнинг иши ҳамма вақт ҳам қониқарли деб баҳоланарди. Қониқарсиз деб кўрингчи, сизни сал бўлмаса бутун партия сиёсатига қарши қилиб ҳам қўйишарди.

Ҳозирги қайта қуриш ва демократия замонида партия ишига бундай баҳо бериш барҳам топмоқда. Айниқса КПССнинг негизи бўлган бошланғич партия ташкилоти фаолиятига баҳо бериш ошкора тус олмоқда. Ҳатто қуйи партия ташкилоти ишларини қониқарсиз деб баҳолаш, яъни ўзларининг қилган ишларига принципиал баҳо бериш одат тусига айланмоқда. Чунки, ҳозирги ошкоралик замонамизда Коммунистик партиянинг обрўйини тиклаш учун, унинг негизи бўлган бошланғич партия ташкилоти фаолиятига принципиал баҳо бериш зарурдир.

КПСС Устави лойиҳасида ҳам бу ҳақда алоҳида таъкидлаб ўтилган ва муҳим вазифалар белгилаб берилган: «Ўз вазифаларини ва ўз фаолияти шароитларини эътиборга олиб, бошланғич партия ташкилотлари партияга қабул қилиш ва КПССга аъзоликни тўхтатиш, ўз тузилишини, иш йўналишлари ва усулларини, йиғилишлар ўтказиш даврийлиги ва тартибини, сиёсий тадбирларни, молиявий фаолиятни белгилаш масалаларини мустақил ҳал қилдилар, совет ва жамоат ташкилотлари билан ўзаро муносабатларни йўлга қўядилар».

Виктор Булгаков Тошкент шаҳар телефон тармоқлари ва радиолаштириш ишлаб чиқариш бирлашмаси партия ташкилотининг яқинда бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишида бизга бежиз бу сўзларни таъкидлагани йўқ. У фаол коммунист. Шу боисдан ҳам ўз сафдошлари обрўйини мустаҳкамлашга астойдил ҳаракат қилади. Шунинг учун ҳам кўпчилик унга яна ишонч билдирибди, партия бюроси котиблигига лойиқ деб топди.

Бошқарма бошланғич партия ташкилотида 59 коммунист бор. Ҳисобот-сайлов даврида коммунистлар сафига икки киши қўшилди. Булар Ольга Бабусенко, Владимир Штейнберглардир. Шу давр ичида бир коммунист партия сафидан ўчирилди. 4 та бошланғич партия ташкилотининг йиғилиши бўлиб ўтди. Бу йиғилишларда партия сафларини мустаҳкамлаш, коммунистларнинг жанговарлигини ошириш тўғрисида жуда кўп фойдали гаплар бўлди.

Ҳозир партия ташкилотлари учун айни оғир давр. Шунинг учун ҳадеб ўзимизни мақтайвермасдан, камчилик ва нуқсонларимиз ҳақида кўпроқ тўхталмоқчиман.

Ҳисобот-сайлов даврида партия бюроси аъзолари ишини қониқарсиз деб биламан. Улар ўзларига ишониб топширилган партиявий ишларини тўлиқ бажара олмадилар. Шунингдек, мен ҳам партия бюроси секретари сифатида бюро аъзолари ҳамда коммунистлар билан яхши ишлай олмадим. Сабаби партия ишларини ташкил этишда менга ҳеч бир коммунист ёрдам бермади. Масалан, мен ветеран коммунистлардан партия ишларини қоғозда эмас, балки амалда жорий қилиш бўйича таклиф киритишларини бир неча маротаба илтимос қилдим. Чунки, улар партия ишларида ҳаётий билимларга эга бўлиб, ташкилотчилик ишларини биз ёшларга қараганда анча яхши билишади-да. Лекин ветеран коммунистларимиз ҳамма вақт ҳам ҳар хил баҳоналар билан биздан ўзларини олиб қочдилар.

Бошланғич партия ташкилоти бюроси аъзолари ҳамда коммунистлар бошқармадаги партиясизлар билан ташвиқот ишларини ҳам сусайтириб юбордилар. Шаҳар тармоқларидаги телефон узелларининг яхши ишламаслиги бунинг яққол далилидир. Натижада шаҳар меҳнаткашларидан ҳалигача кўплаб ҳақли эътирозларни эшитиб турибмиз. Бунда ҳам албатта партия бюросининг, қолаверса, ўзимнинг ҳам айбим бор. Чунки, коммунистлар бу борада ташкилотчилик фаолиятларини кучайтира олишмади.

Яна бир гап. Кейинги йилларда коммунистлар партия ўқувига ҳам бўш қатнашяпти. Масалан, шу икки йил ичида сиёсий ўқувларга коммунистларнинг 40—50 фоизигина қатнашди холос. Бу ҳам албатта партия бюроси аъзолари йўл қўйган камчиликларнинг бири. Шунинг учун бошланғич партия ташкилоти бюроси аъзоларининг ҳисобот-сайлов давридаги иши қониқарсиз баҳога лойиқ.

Бошланғич партия ташкилоти бюросининг ҳисобот-сайлов давридаги камчилик ва нуқсонлари бошқарма коммунистлари томонидан ҳам ошкора очиб ташланди. Масалан, коммунист Михаил Гулин партия бюроси секретари, бюро аъзоларининг ҳисобот-сайлов даврида нима билан шуғулланганлиги ҳақида гапирғани йўқ деди. Александр Гришин эса бюро секретари, бюро аъзоларининг қайси бири фаол, қайси бири бўш қатнашганлиги тўғрисида ҳеч нима демади. Бу коммунистлар ҳам ҳисобот-сайлов давридаги бюро аъзоларининг ишини қониқарсиз деб баҳоладилар.

Йиғилиш қатнашчилари КПСС Устави лойиҳасига ўзгартиш киритишни таклиф қилдилар. Масалан, коммунист Энвер Люманов шу лойиҳанинг аъзолик бадалларини тўлаш бўлимига ўзгартиш киритишни таклиф қилди. У партия бадалларидан тушган маблағнинг ярми бошланғич партия ташкилоти ҳисобида қолдирилса деган таклиф билан чиқди. Яна пенсиядаги коммунистларни аъзолик бадалларини тўлашдан озод қилиш ҳақидаги фикрни илгари сурди.

Тошкент шаҳар телефон тармоқлари ва радиолаштириш ишлаб чиқариш бирлашмаси бошланғич партия ташкилоти ҳисобот-сайлов йиғилиши ошкора, ўз-ўзини танқид остида ўтди. Коммунистлар бир овоздан бюро аъзоларининг ҳисобот-сайлов давридаги ишини қониқарсиз деб баҳоладилар. Бошланғич партия ташкилотининг янги бюроси сайланди. Партия бюроси котиби этиб яна Виктор Булгаков сайланди. Коммунистлар партия ташкилоти бюросининг янги аъзоларидан олдинги нуқсонларга энди йўл қўймасликларига умид қилишмоқда. Буёғи нима бўлади, буни вақт кўрсатади. Аммо бир нарса аниқ. Фикрлар, таклиф, истак ва мулоҳазалар фойдали бўлди. Демак ишончнинг оқланишига умид бор.

Ғ. ЮСУПОВ.

⊙ **ҚАШҚАДАРЁ** вилоятининг Кўкдумалоқ нефть-газ конденсат конида қидириш ишлари тугалланди. СССР Министрлар Совети ҳузуридаги фойдали қазилмалар запаслари давлат комиссияси геологлар ишини аъло баҳо билан қабул қилиб олди. Қидириш жараёнида юз минг тоннадан кўпроқ нефть қазиб олинди. Энди кон фойдаланувчиларга берилади. Мутахассисларнинг фикрига қараганда Кўкдумалоқ конини ишга тушириш натижасида жумҳуриятимиздаги бир қанча катта нефтни қайта ишловчи корхоналарни камёб хом ашё билан таъминлаш имконини беради.

⊙ **ТАШАББУС** қўллабқувватланди. Сурхондарё область Шеробод бадиий кулолчилик буюмлари заводининг меҳнаткашлари В. И. Ленин туғилган куннинг 120 йиллигига бағишланган шанбаликка бир ёқадан бош чиқариб қатнашишга қарор қилдилар. Амалда меҳнаткашларнинг ҳаммаси асосий ишлаб чиқаришда тер тўкишади. Бу эса 21 апрель куни икки минг сўмлик халқ истеъмол

Республика бўйлаб

моллари ишлаб чиқариш, ёрдамчи биноларни ремонт қилишга қарор қилинди. Анъанага мувофиқ маҳсулотларнинг ҳаммаси тежалган хом ашё ва материаллардан тайёрланади.

⊙ **ЎЗАРО** фойдали шерикчилик. Қамаши бинокорлик материаллари комбинатига кираверишдаги йўлларда юк ташувчи поездлар тўхтаб қолмайдиган бўлди. Қарши йўл тузатиш бригадалари темирйўлни ва юк ортиб туширадиган майдончаларни қисқа муддатда аъло сифатли қилиб ремонтдан чиқардилар. Бевосита шартномаларга асосланган тўла хўжалик ҳисобига ўтилганлиги ишлаб чиқарувчилар ва темирйўлчилардан янги иқтисодий муносабатларни талаб этди. Шу боисдан комбинат коллективининг йўлни ремонт қилиш хусусидаги илтимоси зудлик билан бажарилди. Қарши темирйўлчилари вилоятдаги яна учта катта корхонанинг буюртмасини ҳам бажардилар. Натижада бу ерда вагонларнинг тўхтаб қолиши ҳам анча камайтирилди.

⊙ **УЙ-ЖОЙ** дастурини муддатидан илгари амалга оширайлик. «Средазуголь» бирлашмаси 9-шахтаси билан «Ангрен» разрезининг барча муҳтож меҳнаткашлари бу йил уй-жой билан таъминланадилар. Бу ердаги янги қурилишларнинг амалда барчаси хўжалик усули билан барпо этилмоқда. Бу эса кончиларга уй-жой дастурини ҳал қилишга фойдадан сарфланадиган маблағдан самарали фойдаланишга имкон беради. Бу ерда биноларни ремонт қилишда ҳам шу усулни қўлламоқдалар.

(ЎзТАГ).

Хориждан хабарлар

⊙ БОНН. Бугун ўртача ва камроқ олислик ракеталарига доир Совет — Америка шартномасига мувофиқ Хунсрюк шаҳридаги АҚШ базасида жойлаштирилган ерга ўрнатилган қанотли ракеталар олиб чиқиб кетила бошланди. Саккизта ракетанинг дастлабки туркуми Америка аэродромига келтирилди ва у ердан АҚШ транспорт самолётида йўқотиш учун олиб кетилди.

ГФР территориясида 2500 километр узоқликка учадиган 62 та қанотли ракета жойлаштирилган эди. Уларнинг ҳаммаси ўртача ва камроқ олислик ракеталарини тугатишга доир шартномада айтилганидек, 1991 йилнинг 1 июнига қадар олиб кетилиши ва йўқотилиши керак.

⊙ СОФИЯ. БХР президенти П. Младенов раислигида бу ерда миллий масала давлат-жамоат комиссиясининг биринчи мажлиси бўлди. Сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари, давлат аппаратининг вакиллари, таниқли олимлар таркибига кирган бу комиссия шу йилнинг январида, жамиятда этник ва диний негизда қарама-қаршиликлар кескинлашиши натижасида жуда оғир вазият вужудга келган пайтда тузилган эди. Мунтазам, узоқ муддатли ва принципиал миллий сиёсатни рўёбга чиқаришнинг яхлит программасини тайёрлашга кўмаклашиш комиссиянинг асосий мақсадидир. Комиссия турли вазият ва фикрларни ҳисобга олиб, мамлакат барча ижтимоий ва сиёсий кучларини ушбу соҳадаги муаммоларни ҳал этишда фаол қатнашиш программасини тайёрлаши керак бўлади.

П. Младенов мажлис қатнашчиларига мурожаат этиб, янги йўл иқтисодий ва сиёсий танглик, тоталитар жамиятдан демократик жамиятга ўтишнинг оғир даври шароитларида амалга оширилишини таъкидлади. Бу ерда гап аниқ-равшан режалаштириб олинган вазифаларга босқичма-босқич эришишни назарда тутадиган узоқ муддатли, бутун бир туркумдан иборат оқилона сиёсат тўғрисида боряпти. Қарорлар адолат принципи негизида қабул қилиниши, барча болгар гражданлари тенг шароитга қўйилиши, уларга этник, диний ёки регионал негизда ҳеч қандай афзаллик бермаслиги ёки камситилмаслиги керак, Президент партиядан устун турувчи, миллий манфаатлардан халқнинг эътиборини тортмаслик учун вақтинчалик сиёсий келишмовчиликларга аҳамият бермаслик жуда муҳим эканлигини таъкидлади.

БХР министрлар кенгашининг раиси А. Луканов Туркиядан қайтиб келаётган болгар гражданларининг ижтимоий муаммоларини ҳал этишга доир ҳукумат тадбирлари тўғрисида ахборот берди.

Мажлис қатнашчилари тобора кучайиб бораётган сайловолди кураши шароитида сиёсий, маданият, жамоат тартиби ва гражданларнинг хавфсизлик масалаларига алоҳида аҳамият бериш зарурлигини таъкидладилар. У ёки бу сиёсий гуруҳларнинг тор партиявий нафсониятлари миллий манфаатлардан устун чиқишига йўл қўймаслик керак.

⊙ БМТ. БМТ қароргоҳида Намибиянинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотига қабул қилиш тўғрисидаги илтимоси муносабати билан ана шу халқаро ҳамжамият хавфсизлик кенгашида маслаҳатлашув бўлиб ўтди. БМТ хавфсизлик кенгашининг мажлисини 17 апрель куни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Унда БМТ Бош Ассамблеясига Намибияни халқаро ҳамжамият аъзолигига қабул қилиш тавсия этилади. 1990 йил 21 мартда мустақилликка эришган бу мамлакат БМТнинг 160-аъзоси бўлади.

⊙ ПАРИЖ. Бир кун олдин Суринамнинг ғарбида қамоққа олинган уч киши сешанба кунига ўтар кечаси Совет Иттифоқининг Суринамдаги элчихонасининг иккинчи секретари Стасис Абукаускасни ўлдирганликларини тан олишди.

Франс пресс ахборот агентлиги қотилларнинг номини маълум қилди. Улар ишсиз 18 яшар Петар Буртцорт, 17 яшар Денни Покорни ва 22 яшар Стивен Вийдерсдир. Улар ўзлари ўлдирган дипломатнинг машинасини сотмоқчи бўлиб туришганда ушланди.

Стасис Абукаускаснинг ўқ илма-тешик қилиб юборган жасади сешанба куни мамлакат пойтахти Парамарибодан 30 километр масофада катта йўл бўйидан топилган эди.

45 яшар совет дипломати Парамарибога деярли бир йил олдин элчихонанинг иккинчи секретари лавозимини эгаллаш учун келган эди.

(ТАСС).



«Автомобиль уруши» деб аталмиш Япония билан Ғарбий Европа ўртасидаги «жанговар ҳаракатларни» ёритаётган ғарб агентликларининг фикрига қараганда, улкан «Ниссан моторз» автомобиль корхонаси ҳужум қилаётган японлар томонига карвонбошилик қилаяпти. Мазкур корхонанинг молиявий қудрати такомилига етказилган савдо-сотиқ системаси Ғарбий Европа автомобиль бизнесининг «Фиат», «Рено», «Пежо» ва «Мерседес» каби китларини жиддий равишда ташвишлантирмоқда.

Оддий хом сут эмган бандалар кўзи билан илғаб бўлмайдиган ана шу урушда «Ниссан» фирмасининг Сандерленд (Буюк Британия) шаҳрида ишлаб чиқарилаётган янги «Блюберд» модели ўзига хос хуфёна берилган бир зарба бўлди. «Ниссан» эгалари тўла асос билан электроника ва автомобиль дизайни соҳасидаги энг сўнгги ютуқлардан фойдаланиб яратилган янги машиннага Францияда, Италияда ва ГФРда эҳтиёж катта бўлади, деб тахмин қилишмоқда. Британия оролларидан ана шу давлатларга яқин орада 100 мингдан зиёд «Блюберд» машиналари жўнатилади.

Ана шу мамлакатлар рақобатнинг кескинлашишидан қочиб қутулиш учун хавфсизлик чораларини кўришга, машина йўлида ғов барпо этишга ҳаракат қилмоқдалар. Бунинг учун улар «Блюберд» машинаси деталларининг 70 фоизи Англияда ясалган деталлардан иборат, шу сабабли импортнинг алоҳида қондалари ва божхона тарифлари таъсирига дуч келади, деган баҳонани ўйлаб топишди.

СУРАТДА: «Ниссан» фирмасининг Сандерленддаги «ҳужумга тайёр турган» корхонаси хизматчилари.

ТАСС сурати.

Давр ва адиб

Ўткир ҲОШИМОВ,
СССР Ёзувчилар уюшмаси бошқарувининг аъзоси.

МАНТИҚСИЗЛИК МАНТИҚ БЎЛСА...

ЧЎЛПОН шеъриятини ўқиганда кўз ўнгимга шундай манзара келади. Айни баҳор... Кечаси салқин тушган. Тонг отди. Сиз бедазор четида турибсиз. Осмонда тонг қуёши чарақлаяпти. Бедаларнинг ҳар битта япроғида биттадан офтобчалар ловуллаб турибди... Минглаб офтобчалар... Сиз дунёдаги ҳамма ташвишларни, жамики майда гапларни унутинг-да, беда япроқларида ёниб турган қуёшчаларга узоқ тикилиб, хаёл суринг. Шунда кўнглингиз сўз билан ифодалаб бўлмайдиган нурли ва маҳзун туйғуларга тўлади. Йиғлагингиз келади... Фақат, бедазорга бостириб кирманг: офтобчалар тўкилиб кетади...

Чўлпоннинг насрий асарлари, хусусан, «Кеча ва кундуз» романи ҳақида нима дейиш мумкин? Бу асар тўғрисида фақат иккита мулоҳаза айтишга журъат қиламан. Биринчидан, «Кеча ва кундуз» — ноёб истеъдодли, катта шоирнинг насрий асари. Айнан, **шоирнинг** насрий асари! Жиндай кўтаринки, жиндай шоирона руҳи билан, жозибали тили билан... Иккинчидан, бу роман Чўлпон ўша пайтдаёқ Европа адабиётини синчиклаб ўрганганидан дарак беради...

Албатта, шоир ижоди ҳақида кўп гапириш, асарларини таҳлил қилиш, баҳслашиш мумкин. Ушбу хийла мушкул ва шарафли юмушни қилни қирқ ёрадиган ҳурматли олимларимизга ҳавола этиб, мен бошқа масала ҳақида гапиргим келади.

20-йиллар ўзбек адабиёти осмонида юлдузлар оз эмас эди. Бироқ, айниқса ёрқин порлаб турган иккита юлдуз бор эди. Бири — Қодирий, бири — Чўлпон. Бу икки истеъдод, икки катта шахс бири насрнинг, бири назмнинг қаноти бўлиб, ўзбек адабиётини, демакки, ўзбек миллатини баланд самоларга олиб чиқиши, олис манзилларга етказиши мумкин эди. Иккала қанотни ҳам синдирдилар... Нега шундай бўлди?

Бундан икки йил илгари «Шарқ юлдузи» журналида «Кеча ва кундуз» романи эълон қилинаётганида жиддий тўсиқлар пайдо бўлди. Асар нашрини тўхтатиб қўйиш хавфи туғилди. Муҳаррир сифатида, эртами-кечми, шундай гап чиқишини билар эдим. Э. Воҳидовнинг «Истамбул фожиаси», П. Қодировнинг «Авлодлар довони» асарларини эълон қилиш ҳам осонликча кечган эмас. (Кези келганда айтиш керак. Яқинда «Қуръон»нинг таржимаси чиқиш арафасида ҳам «эҳтиросли ва муросасиз» курашлар бўлди. Ҳолбуки, 88 йил қаёқдаю, 90 йил қаёқда? Ҳаётимиздаги инқилобий ўзгаришлар суръати шиддат билан кечяпти. Лекин инсон онгидаги силжиш ҳаётдаги ўзгаришга нисбатан ҳар доим секинроқ ва қийинроқ рўй берар экан).

Романни босишга бир вақтлар Чўлпонни қатағон қилган куч-лар тўғаноқ бўлдилар. (Албатта, очиқчасига эмас, зимдан иш пиширишга уриндилар). Начора, кураш — ўз номи билан кураш. Баҳслашасан, асабийлашасан... Кечалари ухламай чиқасан... Ўша кезлари уйқусиз тунларда бир хулосага келдим. Аслида бу — фавқулодда янгилик эмас, оддий ҳақиқат эди...

Етмиш йил мобайнида, эҳтимол ундан ҳам анча аввалдан бери жамиятимизни каловлатиб келган сабаблардан бири — тўпоригина, жўнгина нарса эди. Биз амалда эришиб бўлмайдиган нарсани ҳақиқат даражасига кўтаришга уринибмиз. Ҳамма бир хилда фикрлаши керак, бир хилда хурсанд бўлиши: маъқуллаши, бараварига «яшасин!» деб бақириши... хуллас бир хилда яшаши шарт! Табиийки, бундай уринишда мантиқ йўқ. Хўп, мантиқсизликни ягона мантиқ даражасига, ёлғонни рост даражасига кўтариш учун нима қилиш керак? Биттагина йўли бор: у ҳам бўлса, одамларни қўрқиб яшашга мажбур этиш. Қўрқитишнинг усуллари кўп. Туҳмат қилиш, қоралаш, қамаш, ўлдириш... Шу тариқа бир «мантиқ» иккинчи «мантиқ»ни туғдирди. Бу шунақанги даҳшатли «мантиқ» эдики, ўйласанг юрагинг орқага тортиб кетади. Тасаввур қилинг: мен қўлимда қурол билан қўшнимнинг хонадонига бостириб кирдим. Мен хоҳлаганча яшайсан, мен хоҳлагандек фикрлайсан, мен буюрган йўлдан юрасан, дедим. Қўшним кўнмади. Мен уни отиб ташладим. Қўшнимнинг боласи мени ёмон кўриб қолди, менга қарши кураш бошлади. Мен уни «аксилинқилобчи», «миллатчи», «босмачи», деб эълон қилдим. Бутун дунёни шунга ишонтиришга уриндим. «Ажойиб мантиқ»!

Бу — ҳаётдаги, сиёсатдаги воқелик эди.

Ижодда-чи? Мазкур «мантиққа» (яъни мантиқсизликка) ҳайрон қолганлар, ишонмаганлар, жиндай монелик қилганлар қамоққа тиқилди, маҳв этилди. Қизиғи шундаки, мамлакатимиздаги жамики жумҳуриятларда ҳақиқатни айтган, эл-юрт манфаатини ҳимоя қилган халқ фарзандлари «халқ душмани» деб эълон қилинди. Янаям «ғаройиб мантиқ»!

Назария нима бўлди? Дейлик, адабиёт назарияси? Нима бўларди, минг хил «изм-изм»лар ўйлаб топилди. «Мана, сенга тўртта ёки бешта моддадан иборат «изм». Шу қолипга тушасан. Қолип тўлмаса бир ҳисса балога қоласан, қолипга сиғмай қолсанг, икки ҳисса. Ажаб, Данте «Илоҳий комедия»ни ёзаётганида қандай «изм»ни ўйлаганийкин? Алишер Навоий «Фарҳод ва Ширин»ни ижод қилаётганида-чи? Шекспир ўз фожиаларини қоғозга тушираётганида-чи? А. Солженицин «ГУЛАГ архипелаги»ни қайси «изм»га мослаб ёзди? Оддий бир ҳақиқат бор: чинакам ёзувчи бир варақ оқ қоғоз билан юзма-юз қолганида «изм»ларни ўйлаб ўтирмайди. Унинг қалбида, хаёлида, кўз ўнгида инсон туради. Инсон қисмати, туйғулари, одамнинг ҳаёт билан, жамият билан муносабати туради.

Албатта, адабиётшунослик илми қаламкаш ижоди қайси йўналишдан борганини ёки бораётганини ўрганиши, таҳлил этиши, хулосалар чиқариши табиий. Бироқ, ижодкорга қолипни олдиндан тайёрлаб қўйиш от аравани эмас, арава отни тортиб кетишига ўхшамайдими?

«Изм»лар қолипига сиғмаган ёки сиғишни хоҳламаган истеъдодлар (бадиий ижодда ҳам, фанда ҳам) қатағон қилинди. Энг ёрқин истеъдодлар, энг доно ақллар «ёт унсур»га айланди. Қалбсиз ва бошсиз таналар эса ғаройиб матал ихтиро қилдилар. «Аҳмоқ ўйлаганини айтади, доно керакли гапни». Сен шундай ёзгинки, қаҳрамоннинг одам бўлиши шарт эмас, ҚАҲРАМОН бўлсин. Кулганда фақат БИЗнинг одамларга ўхшаб кулсин, йиғлаганда фақат БИЗнинг одамларга хос йиғласин. Қаранг, нақадар оламшумул «мантиқ»!

Бир тасаввур қилиб кўринг. Наҳотки Маргарет Тэтчер ўз набирасини ўзбек кампиридан кўра камроқ яхши кўрса? Кўз ўнгингизга келтиринг: америкалик миллиардернинг яқин кишиси қазо қилди. Миллиардер марҳум тепасида йиғлаб турибди. Иттифоқо, Ўзбекистоннинг олис бир қишлоғида худди шу соатда оддий ўзбек деҳқонининг яқин одами ҳам оламдан ўтди. Деҳқон ҳам марҳум устида йиғлаб турибди. Кимёгарлар текшириб кўрсин: дунёнинг у бурчида ғам чекаётган бир одам билан дунёнинг бу бурчида изтироб чекаётган иккинчи бир одамнинг кўз ёши бир-биридан фарқ қилармикин? Инсоннинг қувонч ва изтироблари чегарани тан олармикин? Катта-кичик «изм-изм»ларга бўйсунармикин?

Чўлпон шеърияти шабнамга ўхшаши бежиз эмас. Шоир туйғулари шабнамдек шаффоф, шудрингдек покиза ва энг муҳими, табиий эди. Табиийлик эса, ёлғон мантиқни ҳазм қилолмайди. Чўлпон ва чўлпонлар ёлғон мантиққа бўйсуна олмагани учун ҳам маҳв этилди. Ҳатто XX съезддан сўнг ҳаётимизда адолат шабадалари эса бошлагандан кейин ҳам ғалати гаплар бўлди. Эсланг: «Чўлпон, Фитрат ва бошқалар фуқаро сифатида оқланди, ижодкор сифатида оқланмади». Ростдан бир чақирим узоқ, ёлғонга бир энлик яқин турадиган бундай ярим «ҳақиқатни», чорак, ним-чорак, ним-ним чорак «ҳақиқатни» ўйлаб топганларга тасанно демай илож йўқ! Қаранг, фуқаро сифатида оқланибди-ю, ижодкор сифатида «қоралигича» қолаверибди. Барака топ шоввоз!

Ҳолбуки, булар ҳақиқий истеъдодлар, ҳақиқий ижодкорлар эди. Яъни, фуқаро сифатида нимани ҳис қилса, ижодкор сифатида шуни қоғозга туширган. Модомики улар фуқаро сифатида оқланган бўлса, демак... Ёзган асарлари ҳақ экан-да!

Мана қаерда ётибди ҲАҚИҚИЙ МАНТИҚ! Агар шу тафаккур йўлидан борадиган бўлсак, кўп йиллар айтишга қўрққанимиз, адолатли фикрга келамиз. Чўлпон ва бошқаларнинг «миллатчилик руҳида ёзилган» деб баҳоланган асарларига туҳматомуз, бир тарафлама ёндошилган. Адолат ва адолатсизлик, миллий ғурур ва миллатчилик, ҳақиқат ва уйдирма аралаш-қуралаш қилиб юборилган.

Шукроналар бўлсинки, янги замонлар келди. Билмадим, эҳтимол яна ўн йиллардан кейин бу гапларни достон қилиб ўтириш эриш туюлар. Лекин ҳозир айтмасак бўлмайди. Ўша мантиқсизликлар қайтадан ягона ва ўзгармас «мантиққа» айланмаслиги учун ҳам бу гапларни айтиш керак. Қодирийлару, Чўлпонлар, Фитратлару Беҳбудийлар, Элбеклару Усмон Носирларнинг чирқиллаган руҳи бугун бу ҳақиқатни бор овозда айтишни тақозо қиляпти. Шундай қилмасак, шаҳидлар арвоҳи бизни кечириши қийин.

АДАБИЁТ ва САНЪАТ



⊙ «ДУТОРЧИ ҚИЗЛАР БАҲОР ЗАВҚИ БИЛАН...» С. Маҳкамов сурат лавҳаси.

ДЎСТЛАРИМИЗ НАШРЛАРИ

⊙ **ЖУМҲУРИЯТИМИЗ китоб савдоси идоралари хориждаги қатор нашриётлар билан ўзаро келишувлар асосида иш олиб бориб, уларда чоп қилинаётган энг яхши адабиётларни харидорларга етказиб бериш тадбирларини кўрмоқдалар.** Китобхонлар қизиқишини ҳисобга олиб, турли қомус китоблар билан савдо қилиш ҳам йўлга қўйилмоқда.

Бу борада Тошкентдаги «Дўстлик» китоб дўкони жамоаси айниқса жонбозлик кўрсатмоқда. Чехословакиялик ноширлар босмага тайёрлаган «Қадимий давр қомуси» яқин орада дўкон пештахтасидан ўрин олади. Шунингдек, улар полиз экинлари ва узум тўпларида турли касалликларни тарқатувчи ҳашаротларга қарши кураш олиб бориш учун фойдали маслаҳатлар берувчи янги нашрни Тошкентга юборишга сўз бердилар. Бу нашр географик атлас кўринишида бўлиб, деҳқончилик билан шуғулланаётган кишилар учун яхши қўлланма бўлиб хизмат этади.

Қўҳна Хитой тасвирий санъатига бағишланган альбомлар билан савдо қилиш кутилмоқда. Немис ноширлари чоп этган «Рассомлар анатомияси» деб номланган альбом ҳам китобхонлар эътиборини ўзига тортиши турган гап.

Акбар АЛИЕВ.



ДАРАХТ

«ДАРАХТ БИР ЖОЙДА КЎКАРАДИ»
(Мақол).

У бир жойда ўсди кўкариб
Ва у жойда гуллади бир кун.
Меваларни зўрға кўтариб,
Йилдан-йилга бўларди дилхун.
Шундай яшаб бир жойда оғоч,
Ўша жойда қариди бир кун.
Оқибатда қолди яланғоч:
У бир жойда қуриди бир кун.
Ўз жойида кесилди бир кун,
Ўтин бўлди болтадан еб зарб.
Сўнгра ёнди, бўлди кул-кукун.
Бу — инсонлар билмайдиган дард...

ГУЛ УШЛАГАН ҚИЗ

Бир қиз турар қизил гул ушлаб,
Эҳтиётлаб, қўш-қўллаб ушлаб.
Ушлагани гўё эмас гул,
Бир тирик жон, сайроқ қушча ул.
Кимда бўлса шундайин шафқат,
Қўлидан ҳеч келмас қабоҳат.

Назм дафтаридан

ТИРИК ЕТИМЛАР

«ЕТИМ ҲАҚИ ЕТТИ ДАРЁНИ ҚУРИТАДИ».
(Мақол).

Сени жин урдими,
Менинг ўзбегим,
Болажонлигим,
Болажонлик ила шараф-шонлигим!
Болани тирик етим этмоқни,
Ҳатто туғибоқ ташлаб кетмоқни
Кимдан ўргандинг!
Девданми ёки жиндан ўргандинг!
Наҳотки ўз жонинг ширинидир фақат,
Бола боқмоқ учун йўқ сенда тоқат!
Сени илон эмас,
Инсон туққан-ку,
Инсон боққан-ку,
Инсон қилай деб,
Чекиб машаққат.
Ўша инсонлар гўрда тик турар
Ва бир кун келиб арвоҳи урар
Фарзандкуш отани,
Фарзандкуш онани.
Сизларни лаънатлар сиздан безорлар
Ва айниқсанги тирноққа зорлар.
...Эндиги сўзларим сизга, етимлар,
Тирик етимлар:
Бир кун ақлингиз кириб, етимлар,
Улғайиб, сизлар ҳам ота бўларсиз,
Она бўларсиз.
Тирик етим бўлмас сизнинг фарзандлар,
Жигардан яралган асалу қандлар.
Сиз етим бўлдингиз,
Улар бўлмасин.
Сиз тирик ўлдингиз,
Улар ўлмасин,
Тирик етимлар.
Шунга инонаман,
Комил имоним,
Тирик етимлар —
Жигарим, жоним...

Азиз АБДУРАЗЗОҚ.
1990 йил.



⊙ «ҚИЗАЛОҚЛАР РАҚС ТУШАР ДОИРА ОҲАНГИГА!» Р. Шарипов сурат лавҳаси.

СИРЛИ ОДАМ

Ҳикоя

—1—

ҲАЁТ қанчалик мураккаб, сирли бўлса, Восилхонга ўхшаган одамлар ундан ҳам сирли. Руҳшунос олимлар уларни қизиқиб ўрганишаётган бўлсалар ажабмас. Негаки, у кишининг фақат олимларнигина эмас, оддий одамларни ҳам ажаблантирадиган томонлари анчамунча. Бошқача айтганда, Восилхон бир дунё олам. Унинг зоҳирий ва ботиний дунёсини ўрганиш руҳшунос олимларга насиб этса нур устига аъло нур бўлур эди.

Қизиғи шундаки, кечагина мактабда оддий ўқувчидан фарқи бўлмаган мўмин, камтар бола бугун ҳаммани: қариндош-уруғларни дейсизми, қўни-қўшниларни дейсизми, олий ўқув юртида талаба-домлаларни дейсизми, қизиқтириб, ўйлантириб қўйди. У тез орада Ленин стипендиясига сазовор бўлди, институтни имтиёзли диплом билан тамомлади. «Интилганга толе ёр» дегандек фан номзоди бўлди, янги кашфиётлар яратди, ҳисоблаш институтининг директори лавозимига кўтарилди. Академиянинг мухбир аъзоси, академик бўлди. Бу орада юксак совринлар, қўша-қўша орден-медаллар кўксини безади.

Восилхон эришган ютуқлар, шон-шарафларни санаб ўтиш завқли, ҳузурли. Аммо Восилхоннинг қувонч билан таърифланадиган сифати унинг олижаноб, одамохунлигидир. Бундай одамохунлик, бундай олижаноблик қайси олим, қайси раҳбарда борлигини мен билолмайман. Лекин қизиқ бир тасодифий учрашув гувоҳи бўлганимни ҳикоя қиламан.

Мен Ҳикмат ота деган кекса ўқитувчи билан бекатда суҳбатлашиб турардим. Янги оппоқ «Волга» келиб, ёнгинамизда тўхтади. Ундан сочлари оппоқ бўлса ҳам кўриниши бардам, ўрта ёшли, нуроний бир одам тушди-да, менга салом бериб ўқитувчини қучоқлаб олди.

— Домлажон! Сизни ҳам кўрар кун бор экан-ку, отахоним! Уйингизга қачон кўнгироқ қилмай, сайру саёҳатларда юрасиз-а!

— Ҳа, энди зарурат-да. Восилхон, ёшликда кишини ёши асрайди, кексайганда эса боши асрайди. Яъни ақл асрайди. Киши зарур таомларни билиб истеъмол қилиши, «Тоза ҳаво — танга даво» дегандек, тоза ҳаволарда нафас олиши керак-да.

— Баҳрамандлик денг! — деди Восилхон табассум билан.

— Шундай, Восилхон. Эсингизда бор экан. Яшанг, ўғлим! Ёшликда берган ваъдаларингизга содиқ қолганингиздан бағоят мамнунман, ўғлим.

— Бунинг учун сизга қандай миннатдорлик билдиришимни билолмайман, отахон! — деди Восилхон ҳаяжон билан. — Ўша суҳбатингиз, ўша насиҳатларингиз мени тўғри йўлга етаклади, қисқаси одам бўлишимга сабаб бўлди, отахоним!..

—2—

Собиқ ўқувчи билан домланинг меҳроқибати сирли эди...

...Кунларнинг бирида мактабда кўнгилсиз воқеа содир бўлди — лабораторияга ўт тушди. Унинг биринчи сабабчиси Восил эди. «Унинг ота-онасини чақириш керак, муҳокама қилиш, мактабдан ҳайдаш керак», деган таклифлар, бўлди. Ҳикмат ака бўлса ундай ҳам, бундай ҳам қилмади. Дарсдан кейин Восилни олиб қолиб суҳбатлашди: «Сен ўғлим, иродасиз, маҳрум, қўрқоқ бола эмассан? Ростини айт. Қўрқоқлар оёқ ости одамлар бўлади-я!»

Восил домлага қараб турди-да, деди:

— Мен, мен... қўрқоқ эмасман, Ҳикмат ака. Иродасиз ҳам эмасман, ишонинг!

— Ишонаман, сен қўрқоқ, иродасиз бўлмасанг, демак, келажагинг порлоқ боласан. Ҳаёт қийинчиликлари одамлар учун энг муҳим имтиҳон. Имтиҳондан ким дадил ўтади? Довюрак, иродали одам ўтади.

— Буни тушундим, маҳрум сўзини тушунтириб беринг.

— Хўп бўлади, ўғлим. Маҳрумлик ва баҳрамандлик деган ҳикматли сўзлар бор. Сен дарё бўйидасан, роҳатми?

— Албатта.

— Нимаси роҳат?.. Айт-чи?

— Сувнинг жимирлаб ёки мавж уриб оқиши, балиқларнинг ирғишлаб ўйнаши, тоза ҳавоси...

— Баракалла, азамат! Нозик дидингга балли! Дейлик ўртоқларинг билан ўрмонга бординг. Бу ҳам дамми?

— Ҳа, дам-роҳат! Ўрмоннинг ўзига хос муаттар ҳиди, қушларнинг навоси, ҳайвонларнинг ирғишлаб қочишлари, гулларнинг гўзаллиги, атри...

— Раҳмат! Нафис ҳиссиёту фаросатинг учун ота-онангга раҳмат! Ана шуларнинг ҳаммасини баҳрамандлик, дейилади. Бундай нафосатдан завқлана олмаслик маҳрумликдир. Сайрдан баҳрамандлар куч-ғайратга тўлиб қайтсалар, маҳрумлар ҳориб-толиб қайтишади. Бинобарин, маҳрумларда ҳеч қанақа тараққиёт ҳам бўлмайди, дўстлар қадрини ҳам билмайди. Сен бўлсанг, бугунги ишни эртага қолдирмайдиган, ўйлаган эзгу-ниятинг томон интиладиган, ҳар қадамда ўрганадиган баҳраманд йигитсан. Демак, сен яқин орада аълочи бўласан. Яхши одам бўласан. Хўш, интилишга ваъда берасанми, ўғлим?

— Ваъда бераман.

— Яша, ўғлим! Иродали, баҳраманд одам машҳур одам бўлади. Мен сенинг машҳур бўлишингни кўргим келади, орзу қиламан.

Бу оддий, ҳикматли суҳбат Восилхоннинг хаёлидан ўчмас жой олди. Жой олдигина эмас, йўлланма бўлди. Бунинг учун у ўқитувчисидан умрбод миннатдор!

Ёқубжон ШУКУРОВ.

ИСТЕЪДОД МЕВАСИ

РЎЗНОМАМИЗГА келаётган шеърий мактублар сони кейинги пайтларда илгаригига қараганда икки-уч баравар ортди. Яна бир қувонарли томони, бу машқларда куюнчаклик, одамлар дардига ҳамдардлик билдириш бор. Ёшлар шеъриятида рўй бераётган бу янгиликни табриклаш керак. Бироқ яна бир ҳақиқатни унутмаслик зарурки, шеър — бу қофиялар тизмасидан иборат сўзлар мажмуаси эмас. Ўқиганда кишига кучли таъсир кўрсата олмаса, нимагадир ундаб-ишонтирмаса, куюнтириб-қувонтира олмаса шеър ўз вазифасини бажара олмайди. Айниқса, замон ва инсон, умр ва хотира, бурч ва эътиқод хусусида келаётган шеърий машқлар мукаммал бўлмаса-да, кишини эътиборсиз қолдирмайди. Қашқадарёлик Малика Хидированинг «Туйғулар» деб номланган сарбаст вазндаги туркум шеърларидаги ўзига хосликни кўриб суюндик, ҳали мукаммал даражага кўтарилмаган шеърлардаги қусур ва камчиликлардан ранжидик. Бинобарин, тошкентлик Манзура Усмонованинг «Гулласин Ўзбекистоним», «Ўлкам», «Меҳрибон она-Ер», Зуҳра Раҳимованинг «Замонам», Муҳаммад Тожираҳимовнинг «Қайғули дамларим», Х. Нуриддиновнинг «Қизларга», Г. Қурбонованинг «Наврўз билан яшнар бу олам», Абдураззоқ Ажабовнинг «Меҳрибон онажоним» ва «Мажнунтол яшамас якка» шеърлари бадиий жиҳатдан пишиқ эмас. Андижонлик Одилжон Ортиқовнинг «Андижон», «СССР тинчлик посбони» шеърлари, Ўрмонжон Тўйчиевнинг «Тулки» масали ҳам муаллифларнинг кўп ўқиб-ўрганишларини, астойдил изланишларини тақозо этади. Самарқандлик Зайниддин Нармонов, Мели Бобоқулов ва хоразмлик Улуғбек Кенжаевнинг шеърий машқлари, наманганлик Ортиқжон Абдураҳмонова, фарғоналик Саодат Тожи, қашқадарёлик Камолиддин Раҳимовнинг шеърлари ва Ўроқжон Қиличевнинг эпиграммаларида ҳам янги гап йўқ. Пойтахтлик Расулжон Тожиматов, Б. Мажидав ва Мусинжон Нуриддиновнинг шеърий машқлари ҳам бадиийлик талабига жавоб бермайди. Яна шундай шеърий қораламалар ҳам учрайдики, уларни ўқиб шеърхон таъсирланишига асло ишониб бўлмайди. Шу ўринда фарғоналик Ёрқин Шоназаровнинг «Унинг уйи узоқда» шеърини айтиб ўтиш ўринлидир. Унинг шеърида на қофия, на бир кишини ўйлатадиган фикр бор. Тошкентлик Йўлдош Тўлагановнинг машқлари тўғрисида ҳам шунга ўхшаш фикрларни билдириш мумкин.

Ҳаваскорлар рўзномамизга ҳар хил шеърлар йўллашади. Энг сара шеърларгина адабиёт ва санъат саҳифамизда эълон қилинади. Тошкент давлат Маданият институти талабаси Абдураҳмон Тўраев йўллаган шеърлар кишида унинг ижодига умид туғдиради. Қисқаси, ҳаваскорлардан олаётган шеърий машқларимизнинг мавзуи ҳам, бадиий савияси ҳам, оҳанги ҳам турлича. Шу боис баъзиларини ўқиб хурсанд бўласан, шоирнинг маҳоратига қойил қоласан ва унга омад тилагинг келади. Шу ўринда шеър ёзишни бошлаган ҳар бир ҳаваскорга француз шоири Рэмон Кенонинг қуйидаги шеъридан тегишли хулоса чиқариб ижод қилишларини маслаҳат қилмоқчимиз:

...Маҳоратнинг оташида Сиз,
Қайнагунча асло тинмангиз.
Сўнгра эса ёзинг ва лекин
Шоир бўлиб туғилинг олдин.

Ҳақиқатан ҳам шундай. Шеър ёзиш учун энг аввало шоир бўлиб туғилмоқ керак. Нима ҳам дердик. Шоир бўлиш орзусида қалам ушлаган ҳар бир ёш қаламкашга ана шу ноёб иқтидор насиб этган бўлсин.

АДАБИЁТ ВА САНЪАТ БЎЛИМИ.

«Ҳаракатли спорт тарафдориман»



⊙ Бугунги суҳбатдошимиз Тошкент халқ хўжалиги институти спорт клубининг раиси. У ўн ёшидан болалар ва ўсмирлар спорт мактабига қатнашиб спорт билан шуғулланган, чиниққан. «Бинокор» (Тошкент) хоккей командасининг собиқ ўйинчиси. Шукрулло ҳар доим талабалар орасида, улар орзуси-ю ташвиши билан яшайди.

— Талаба.. Бу сўзни эшитсак кўз олдимизга ақлли тийрак, зукко ва кўркам йигит-қизлар келади...

— Мен тилга олган жиҳатларингиздан ташқари, уларнинг соғлом ва чиниққан бўлишларини ҳам истардим. Талаба асосий вақтнинг деярли 80 фоизини ҳаракатсиз, яъни дарсда, телевизор олдида, қироатхона ва бошқа жойларда ўтказади. Шу боис кунига ҳеч бўлмаса бир соатдан жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиши зарур. Негадир бу ҳақда кам ўйлаймиз. Оқибатда ўсмирларимиз яхши чиниқмай, нимжон бўлиб ўсишаяпти. Аслида бу масала аввало мактабларда тўғри ташкил этилиши зарур. ГТО нормативларини топшириш учун билим даргоҳига план берилаётгани расмиятчиликдан бошқа нарса эмас. Институтга келган кўплаб талабалар турникда 5-6 марта тортилолмай, ўртоқлари олдида изза бўлишаяпти.

— Асосий «касаллик» нимада? Шу ҳақда ўйлаб кўрганмисиз?

— Мактаб ва олий ўқув юртларида моддий-техника базасининг йўқлигида. Жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга жой бўлмаса тузукроқ натижага эришиш қийин. Ўзингиз ўйлаб кўринг, талаба машғулотга тоза кийимда келса-ю, ечиниб--кийинадиган хона, ювинишга душхона бўлмаса, албатта шуғуллангиси келмайди. Аввало шароит яратиб, кейин талаб қилишни ўрганиш керак. Жумҳуриятимизда яхшигина спорт-соғломлаштириш комплекси ишлаб чиқарилади. 200—250 минг сўм турадиган бундай жиҳоз ҳар бир олий ўқув юртида бўлиши зарур. Қулайлиги шундаки, қўл тўпи, волейбол, тош кўтариш ва кўплаб спорт турларига мўлжалланган, душхонаси ҳам бор. Масалан, Тошкент қишлоқ хўжалиги институти ана шундай имкониятдан фойдаланяпти.

— Институтлардаги спорт клуби ва жисмоний тарбия ўртасида ҳамкорлик борми?

— Маълум даражада, қониқарли эмас. Сабаби, кафедра институт ихтиёрида, клуб эса касаба союзлари йўналишида иш олиб боради. Раҳбар битта бўлсагина келажакда яхши натижаларни кутиш мумкин. Чунки баъзи жойларда келишиб ишланаяпти, бошқасида эса йўқ. Айрим ўқитувчилар «маош тўламаса нега бўйсунарканман», қабилида ёндошиб, клубга сидқидилдан ёрдам беришмаяпти. Шу ўринда Днепропетровск политехника институтида қўлланаётган тажриба ҳақида тўхталмоқчи эдим. Спорт клубининг раиси спорт бўйича жамоатчилик асосида проректор ҳисобланар экан. Барча қулайликлар яратилган спорт комплексида ўша атрофда яшовчиларга пуллик хизмат ҳам кўрсатилади. Шундай бўлгач, маълум даражада ўз харажатларини қоплайди. Талабалар ҳам бўш пайтини асосан шу жойда ўтказишади.

— «Буревестник» Бугунгитифоқ талабалар кўнгилли спорт жамияти негадир мусобақалар ўтказмай қўйди...

— Чунки бу жамият 1988 йилда тарқатиб юборилган. Шундан кейин талабалар спортига эътибор анча сусайди. Ўтган йилнинг ўзида илгаридан ташкил этиб келинаётган мусобақалар 50 фоизга камайиб кетди. Спорт турлари бўйича биринчиликлар, талабалар ҳафталиги, икки йилда бир универсиадалар ўтказиб турилярди. Олдиндан баҳслар жадвали маълум қилинган. Энди эса бу вазифа шундай ҳам катта зўриқишда ишлаётган республика, область ҳамда шаҳар кўнгилли жисмоний тарбия ва спорт жамиятлари зиммасига юклатилди. «Буревестник»ни яна тиклаш масаласи ўртага қўйиляпти. Бу айни муддао. Яна бир масала. Мусобақага ҳар бир институт 10-15 спорт тури бўйича команда тақдим этиши мажбурий қилиб қўйилган. Шароити борми, йўқми эътиборга олинмайди. Менимча, буюртма юқоридан эмас, ҳар бир олий ўқув юрти ўз имкониятидан келиб чиқиб бергани мақсадга мувофиқдир. Биз бу йил курашнинг беш тури (самбо, дзюдо, классик, миллий ва эркин), шунингдек бокс, тош кўтаришдан вакилларни тақдим этишимиз мумкин. Кейинчалик бошқа турлари ҳам ривожлантириб борилаверади.

— Атлетик гимнастикага муносабатингиз қандай?

— Спортнинг бу турига қаршиман. Чунки атлетчи мушагини шиширибгина, танасини кўз-кўз қилганидан қандай наф бор. Эртадан-кечгача тош кўтарган билан чиниқиб бўлмайди-ку, ахир. Киши ҳар томонлама тараққий этган бўлиши зарур. Талабалар асосан футбол, баскетбол, сузиш, теннис каби ҳаракатли спорт билан шуғулланишлари керак.

1988 йилда Ўзбекистон ССР Халқ таълими министрлиги ҳаракатли спорт турларини ривожлантириш ҳақида қарор қабул қилган эди. Аммо шароит йўқлигидан кўп жойларда бунга етарли эътибор берилмаяпти. Ҳар бир микрорайон, мактаб ва институтларда ёпиқ ҳавзалар бўлишига эришиш керак. Эрталабки бадантарбия, ритмик гимнастика, югуриш машқлари, жисмоний тарбия дарсларининг самарадорлиги ҳам муҳим аҳамият касб этади. Ижтимоий тадқиқотларда аниқланишича, спортда чиниққан талабалар шуғулланмаганларга нисбатан 60 фоиз кам хаста бўлар экан. Шунинг ўзи жисмоний тарбия ва спортнинг саломатликка, қолаверса келажакка таъсирини яққол кўрсатиб турибди.

Суҳбатни С. ШОДИЕВ ёзиб олди.

Спорт

Учрашувлар, натижалар

⊙ Ўрта Осиё ва Қозоғистон жумҳуриятларидан келган волейболчилар пойтахтдаги Тошкент театр ва рассомчилик санъати институтига йиғилишди. Бу ерда байналмилал-жангчи Сирожиддин Тўрахўжаев хотирасига бағишланган иккинчи анъанавий турнир ташкил этилган эди.

Майдон эгалари, шунингдек Тошкент маданият институти, Олмаота шаҳар консерваторияси, Фрунзе шаҳар санъатшунослик институти вакиллари ўзаро куч синашдилар. Қизиқарли беллашувлардан сўнг бўлажак актёр ва рассомлардан иборат командамиз маҳорат кўрсатиб, турнир ғолиби бўлди.

⊙ Тошкентдаги олий ўқув юртлари ўртасида «Универсиада—90» программасидан жой олган баъзи спорт турлари бўйича баҳслар ниҳоясига етди. Эркин кураш, самбо, дзюдодан умумкоманда ҳисобида Тошкент давлат жисмоний тарбия институти биринчи ўринни эгаллади. Тошкент давлат дорилфунуни вакиллари эса классик кураш мусобақасида ғолиб чиқдилар.

Айни пайтда талабалар мини-футбол ҳамда теннис беллашувларида қизғин иштирок этишаяпти.

⊙ Пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган футбол клублари ўртасида ўтказилган шаҳар биринчилиги ниҳоясига етди. Турнирда 1978 йилда туғилган ўсмирлар беллашишди. Учрашувни кўтаринки руҳда ўтказган «Трактор» командаси биринчи ўринни қўлга киритди. «Пахтакор» ва «Старт» ҳам шохсупанинг юқори поғонасидан жой олдилар.

1977 йилда туғилган ўсмирлар баҳсида эса омад А. Коваленко устозлик қилаётган ёш «старт»чиларига кулиб боқди.

О. МАХМАЮСУПОВ.

Муҳаррир Э. М. ЭРНАЗАРОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

Ўзбекистон ССР Халқ таълими министрлиги «Главташкентстрой»нинг ЭКОБД ва 8-трести базасидаги

5-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1990-91 ўқув йилига

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

қурувчи-дурадгорлар, бўёқчилар (қурилиш бўйича), **электр-пайвандчи усталар, кошинкор-плитачи-мозаикачилар, ғишт терувчилар, слесар-сантехник, қурилиш машиналарини ремонт қилувчи слесарлар, электрчилар.**

Ўқиш муддати 6 ой ва 10 ой бўлган группаларга 11-синфни тамомлаган ва Совет Армияси сафидан қайтганлар қабул қилинади. 9-синфни тамомлаганлар учун ўқиш муддати 3 йил.

Битирувчилар ўрта маълумот ва эгаллаган касблари тўғрисида диплом оладилар.

Ўқувчилар кунига уч маҳал бепул овқат ҳамда кийим-бош билан таъминланадилар.

Ишлаб чиқариш практикасини ўташ даврида иш ҳақининг 50 фонзи берилади, 6 ойлик ва 1 йиллик группаларга қабул қилинган ўқувчиларга эса ҳар ойда 76 сўм миқдорида стипендия тўланади. Ўқиш муддати узлуксиз меҳнат стажига қўшилади. Бошқа шаҳарликлар ётоқхона билан таъминланадилар. Ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади. Билим юртини тугатганлар техникум ва олий ўқув юртларига киришда имтиёзлардан фойдаланадилар. Билим юртини аъло баҳолар билан тугатганлар олий ва ўрта ўқув юртларига ўқишни давом эттириш учун юборилади.

Ўқишни тугатганлар «Главташкентстрой»га ишга юборилади ва ётоқхона билан таъминланадилар. Армия сафидан келганлар доимий шаҳар рўйхатига қўйилади ва навбат бўйича турар жой билан таъминланадилар.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: билим юрти директори номига ариза, таржимаи ҳоли, характеристика, маълумоти ҳақида гувоҳнома, турар жойидан справка, медицина справкаси (086/У), 3х4 см ҳажмдаги 6 дона фотосурат.

Билим юрти маскани: Тошкент шаҳри, Ленин райони, Астрахань кўчаси, 12-уй. 1-трамвай; 22-автобуснинг «Дегтярев кўчаси» бекати. Телефонлар 91-26-47, 96-29-50.

Ўзбекистон ССР Халқ таълими министрлиги

Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси
В. П. ЧКАЛОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ АВИАЦИЯ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ ВАЗАСИДАГИ

С. И. Қадишев номидаги 33-авиация ҳунар-техника билим юрти

қуйидаги ихтисосликлар бўйича

1990—1991 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Учувчи аппаратларни йиғувчи слесарь, механика-йиғув ишлари слесари, учувчи аппаратлар деталларини тайёрлаш ва парчинлаб иш бажариш бўйича слесарь, кенг профилдаги станокчи, рақамли программа билан бошқариладиган станокларнинг оператори, фрезерчи, электр-газ пайвандчи.

ЎҚИШГА 8 ВА 10 СИНФ МАЪЛУМОТИГА ЭГА БЎЛГАН ҲАМДА ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ВА ШАҲАР АТРОФИДА ЯШАБ ТУРУВЧИ ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

10-синфни тамомлаган ўқувчилар, шунингдек Совет Армияси сафларидан истеъфога бўшатилган ёшлар учун ўқиш муддати — 6—10 ой. Ўқувчиларга ойига 65 сўм стипендия тўланади. 8 синф маълумотига эга бўлган ўқувчилар учун ўқиш муддати — 1—3 йил. Улар бепул овқат ва кийим-бош билан таъминланадилар.

Билим юртини тамомлагандан сўнг талабаларга ўрта маълумот ҳақидаги диплом ва касб бўйича тегишли малака оширгани ҳақидаги ҳужжат берилади.

Ишлаб чиқариш практикаси даврида ўқувчиларга стипендия сақланган ҳолда ишлаб топган ҳақининг 50 фоизи тўланади.

Билим юртидаги ўқиш даври умумий меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

ЎҚИШ — ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Билим юрти ҳарбий-спорт базасига эга. Вокаль-чолғу ансамбли, Авиамодель тўгараги, миллий чолғу асбоблари ансамбли, сурат чизиш студияси, духовой оркестр, дельтопланда парвоз этиш, компьютер техникаси тўгараклари ишлаб турибди. Билим юртида Ёшлар техника ижодиёти лабораторияси ишлаб турибди. Бу ерда ўқувчиларга бажарган иши учун 100 фоиз меҳнат ҳақи тўланади.

Билим юртини тамомлаб чиққанлар В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасига ишга юборилади.

Билим юртини аъло баҳолар билан тамомлаганларга эса олий ўқув юртларининг кундузги ва кечки бўлимларига, шунингдек барча олий ўқув юртларига ўқишга киришлари учун йўлланмалар берилади.

Билим юртига ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим: директор номига ариза, 8-синфни тамомлаганлиги ҳақидаги гувоҳнома ёки ўрта маълумот ҳақидаги аттестат, туғилгани ҳақидаги гувоҳнома ёки паспорт, медицина справкаси (0/86 форма), 6 дона фотосурат (3х4 ва 4х5 см).

МАШҒУЛОТЛАР — 1 СЕНТЯБРДА БОШЛАНАДИ.

Бизнинг адрес: 700207, Тошкент шаҳри, Генерал Петров кўчаси, 331-уй (8, 30, 103, 106, 119, 171-автобуслар; 6, 29-трамвайларнинг «С. И. Кадишев номидаги билим юрти» бекати).

Телефонлар: 96-58-20, 96-47-70, 96-39-72.

ЭЛЕКТРОНИКА—МЎЪЖИЗА ЭМАС, ЗАМОНАМИЗНИНГ ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИ...

Ҳозирги ҳаётимизни электрон асбобларсиз тасаввур қилиш қийин. Ҳамма соҳада, ишлаб чиқариш корхоналарида ва кундалик ҳаётимизда ишлатиладиган жиҳозларда электрон асбоблари бизга ҳамроҳдир.

57-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

радиоэлектроника корхоналари ва радиоэлектрон асбобларни тузатувчи устахоналар учун қуйидаги касблар бўйича

ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАРНИ ТАЙЁРЛАЙДИ:

кичик жадвалларни йиғувчи, фотолитография оператори, диффузион мосламалар оператори, радиоэлектрон жиҳозларни созловчи, радиоэлектрон жиҳозларни йиғувчи, ярим ўтказгич дастгоҳларни созловчи, радиотелевизион жиҳозларни тузатувчилар.

Ўқиш муддати: 9-синф маълумотига эга бўлганлар учун — 3 йил, 11-синф маълумотига эга бўлганлар учун —1 йил, Совет Армияси сафида 2 йиллик хизмат бурчини ўтаб келганлар учун — 6 ой.

Билим юртининг кечки бўлимида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда газ-электр-пайвандчи касби бўйича 6 ойлик курс ташкил қилинган.

Маконимиз: Тошкент шаҳар, Киров райони. Юнусобод даҳаси, Муродов кўчаси, 9-уй (телефон 21-10-79). 67э, 9, 167-автобусларнинг «8-АТП»; 8, 82, 83-автобусларнинг «5-кўп ихтисосли болалар касалхонаси» бекатлари.

ДИҚҚАТ!

Иситиш тармоқларининг иссиқлик ва гидравлика хусусиятларини аниқлашга доир синовлар ўтказилиши муносабати билан қуйида кўрсатилган масканларга

ИССИҚ СУВ БЕРИШ ТЎХТАТИЛАДИ:

16—18 АПРЕЛЬ КУНЛАРИ — Чилонзор даҳасининг «Ц», 6, Г-10, 11, Б, 5, 7-кварталларида (қисман Қатортол кўчаси томонидан), И. Франко ва Фарҳод кўчалари бўйлаб Қатортол кўчасидан Бўржар ариғигача, Наққошлик кўчасида;

18—19 АПРЕЛЬ КУНЛАРИ — Юнусобод даҳасининг 6, 5, 4, 2, 1-кварталларида ва Ҳамза Ҳакимзода, Энгельс кўчалари бўйлаб А. Дониш кўчасидан София шоҳ кўчасигача;

20 АПРЕЛЬ КУНИ — Б. Хмельницкий, Ш. Руставели, Саломатин, Муқимий кўчалари бўйлаб Ш. Руставели кўчасидан Пионер, Горбунов кўчаларигача, Глинка кўчасининг Ш. Руставели кўчасидан Педагогика, Стахановчилар кўчаларигача бўлган қисмида;

27 АПРЕЛЬ КУНИ — Троллейная, Володарский, ВЛКСМ 40 йиллиги, Доғистон кўчалари, Луначарский катта кўчаси, М. Горький шоҳ кўчаси бўйлаб Комсомол 40 йиллиги кўчасидан Боткин, Новомосковская, Тимирязев кўчаларигача, Пушкин майдони ва Ҳ. Олимжон кўчаси, Владимир тор кўчасида.

Қўшимча маълумотлар олиш учун телефон — 33-32-32.

ТОШКЕНТ ИСИТИШ ТАРМОҚЛАРИ КОРХОНАСИ.

САВДО ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!



«Узкультторг»нинг Тошкент областлараро улгуржи базасида етарли миқдорда «ЭКРАН» (баҳоси 25 сўм) ва **«ЭТЮД»** (баҳоси 28 сўм) **ДИАПРОЕКТОРЛАРИ МАВЖУД.**

Мурожаат этиш учун телефон — 98-39-88.

«УЗКУЛЬТТОРГ»НИНГ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЛАРАРО УЛГУРЖИ БАЗАСИ.

КЎРПАЧА, КЎРПА, ЧОПОН ТИКУВЧИЛАР УЧУН...

ТОШКЕНТ ХЎЖАЛИК МОЛЛАРИ САВДО ТАШКИЛОТИНИНГ МАГАЗИНЛАРИ

нархи 1 килограмми 1 сўм 6 тийиндан

«ПРИМА» ПАХТАСИНИ ТАҚЛИФ ҚИЛАДИ

МАГАЗИНЛАРНИНГ МАКОНИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАМИЗ:

2-ДЎКОН — Биринчи Май бозори;
3-ДЎКОН — Истиқбол кўчаси, 1;
4-ДЎКОН — Фарҳод кўчаси, 17-«а»;
13-ДЎКОН — Сергели савдо маркази;
6-ДЎКОН — Энгельс кўчаси, 94;
9-ДЎКОН — Қурилиш кўчаси, 1;
15/2-ДЎКОН — Уйғур кўчаси, Кўкча бозори;
15/3-ДЎКОН — Беруний кўчаси, 7;
15-ДЎКОН — Уйғур кўчаси, 624;
15/1-ДЎКОН — Журжоний кўчаси;
15/5-ДЎКОН — Ҳамкор кўчаси, 4;
14-ДЎКОН — 4-Қўйлиқ мавзеи, 21;
15/4-ДЎКОН — Форобий кўчаси;
21-ДЎКОН — Сағбон кўчаси;
21/4-ДЎКОН — Қорасарой кўчаси;
21-ДЎКОН — Фрунзе бозори;
27/1-ДЎКОН — Мирзаҳмедов кўчаси, 1;
32-ДЎКОН — Юнусобод мавзеи, 16-даҳа, А. Дониш кўчаси;
8/1-ДЎКОН — Черданцев кўчаси;
31/2-ДЎКОН — Паркент бозори;
19-ДЎКОН — Уста Ширин кўчаси, 133;
19/1-ДЎКОН — Қорақамиш мавзеи, 1/4, 34/1.



ТОШКЕНТ ХЎЖАЛИК МОЛЛАРИ САВДО ТАШКИЛОТИ.

«Союзреклама» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ўзбекистон реклама ишлаб чиқариш корхонаси.

Ўзбекистон ССР Маданият нозирлиги

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ МАДАНИЯТ БОШҚАРМАСИ

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ОПЕРА ВА БАЛЕТ ТЕАТРИДА

17 АПРЕЛЬ СОАТ 19.00 ДА

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ МАДАНИЯТИ КУНЛАРИ ДОИРАСИДАГИ

«НАМАНГАН НАВОЛАРИ»

МУСИҚАЛИ КЕЧАСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

Кечада Ўзбекистон ССР халқ артисти **Камолиддин РАҲИМОВ**, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист **Турсуной МАМЕДОВА** ва вилоятнинг бошқа ёш санъаткорлари иштирок этадилар.

Кириш бепул.

Ташкилий комитет.

САНЪАТ САРОЙИДА

26, 27, 28 АПРЕЛЬ СОАТ 20.00 ДА

Ўзбекистон ЛКЁУ МК «ЁШЛАР УНИ»
Ўзбекистон маданият фонди

Ўзбекистон телевидение ва радио эшиттириш Давлат қўмитаси

ЖУМҲУРИЯТДА БИРИНЧИ МАРТА

«НАФОСАТ—90»

ЎЗБЕК МИЛЛИЙ РАҚСЛАРИ БЕЛЛАШУВИНИ ЎТКАЗАДИЛАР

КОНКУРСНИНГ КОНЦЕРТ ПРОГРАММАЛАРИДА: «КАМОЛОТ-89» жумҳурият беллашуви ғолиблари ОХУНЖОН МАДАЛИЕВ ва МУҲРИДДИН ҲОЛИҚОВлар билан қайта учрашасиз, ҳамда «ҚИЗИҚЧИ-89» жумҳурият беллашуви дипломат ва совриндорлари сизларга яхши кайфият улашадилар.

ЁШЛАР БАЙРАМИГА МАРҲАМАТ!

Патталар В. И. Ленин номли СССР Халқлари дўстлиги саройи ва Санъат саройи кассаларида соат 11.00 дан бошлаб сотилади.

КЎПЧИЛИК БЎЛИБ КЕЛИШ УЧУН БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Қўшимча маълумотлар учун телефонлар: 41-45-20 ёки 45-93-63.

«Ўзбекконцерт»

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

1 МАЙ СОАТ 19.00 ДА,
2 МАЙ СОАТ 15.00 ВА 19.00 ДА

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ АРТИСТИ

НУРИДДИН ҲАМРОҚУЛОВ
ИШТИРОКИДА

«АЙЁМИНГИЗ МУБОРАКІ»

ЯНГИ КОНЦЕРТ ПРОГРАММАСИ

Қатнашади: Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист

ГУЛЧЕҲРА ФОЗИЛЖОНОВА

Программани сўз устаси
МАШРАБ НАЗАРОВ олиб боради.

Касса соат 11.00 дан очиқ.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 18/IV да **Севги ҳақида афсона.**

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 17/IV да **Истамбул фожиаси**, 18/IV да **Курорт.**

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУСИҚАЛИ ТЕАТРИДА — 18/IV да **Шайтон ва муридлар.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 16/IV да **Найлов ва Панана** (премьера, 19.00)

КИНО

16 АПРЕЛДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

Санъат саройи — «УЧРАШУВ» (катта зал, 18.30, 20.45); «ИНТЕР ҚИЗ» (кичик зал, 17, 19.30).

Чайка — «УЧРАШУВ» (18.30, 21.00).

Восток — «ҚОЧИШ», «ЛИФТНИНГ ЧАП ТОМОНИДА» (18, 21.00).

Қозоғистон — «УЧРАШУВ» (17, 18, 20.00).

Лисунов номли — «САБР КОСАСИ» (тоқ соатларда).

17, 18 АПРЕЛДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

Санъат саройи — «УЧРАШУВ» (катта зал, 11, 13.30, 16, 18.30, 20.45); «ИНТЕР ҚИЗ» (кичик зал, 12, 14.30, 17, 19.30).

Чайка — «УЧРАШУВ» (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00).

Восток — «ҚОЧИШ», «ЛИФТНИНГ ЧАП ТОМОНИДА» (12, 15, 18, 21.00).

Қозоғистон — «УЧРАШУВ» (11, 12, 14, 15, 17, 18, 20.00).

Лисунов номли — «САБР КОСАСИ» (тоқ соатларда).

«ПАХТАКОР» МАРКАЗИЙ СТАДИОНИДА

1-лига командалари ўртасида 53-СССР биринчилиги учун

ФУТБОЛ

17 АПРЕЛЬ СОАТ 18.00 да «ПАХТАКОР» (Тошкент) — «НИСТРУ» (Кишинёв).

Танаффус пайтида спорт-буюм лотереялари ўйналади. Серия номерлари 50001 дан то 52000 гача.

Биринчилик ўйинлари тантанали равишда соат 17.00 да очилади.

20 АПРЕЛЬ СОАТ 18.00 да «ПАХТАКОР» (Тошкент — «МЕТАЛЛУРГ» (Запорожье).

Танаффус пайтида спорт-буюм лотереялари ўйналади. Серия номерлари 52001 дан то 54000 гача.

КЎПЧИЛИК БЎЛИБ КЕЛИШ УЧУН БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНЯПТИ.

Тошкент область Тошкент районидаги 4-ўрта мактаб томонидан **Манзурбаев Равшан Раҳматиллаевич** номига берилган Г-964804 номерли йўқолган

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент булка-кондитер комбинати маъмурияти, партия ва касаба уюшмаси ташкилотлари партия ва меҳнат ветерани

Акром МУСАБЕКОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: қабулхона — 32-53-76; хатлар — 33-29-70; 32-53-79; жамоатчилик қабулхонаси — 32-55-83.

Якшанбадан ташқари ҳар куни ўзбек ва рус тилларида мустақил чиқади.

Р — 04210
Тираж 139.200. Индекс 64690. Д—2201.
1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10.